[7.C.590] Koetsier Teun «On the prehistory of programmable machines: musical automata, looms, calculators» (2001), с.590

[8.C.15] Fowler, Charles B., "The Museum of Music: A History of Mechanical Instruments", Music Educators Journal (MENC_ The National Association for Music Education) (October 1967), с.15

ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ РИСОЛАЛАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ЧОЛҒУЛАР ТЕРМИНЛАРИ

Мамажоновна Х.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Муסיқий - назарий фанлар” кафедраси ўқитувчиси,
муस्ताқил тадқиқотчи*

Аннотация. Ушбу мақолада ўрта асрлар Шарқ алломаларининг рисолаларида келтирилган чолғулар ҳақида маълумотлар келтирилган. Айниқса, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Илмлар калити” комусий асарида ўрта асрларда амалиётда бўлган 10 дан ортиқ чолғулар ҳақида маълумотлар баён этилган. Ўрта Осиёда “Орган” чолғуси амалиётда бўлганини эътироф этиш жоиз. IX-XI асрлардаги етакчи чолғулардан бири бўлган “Барбат”, “Шаҳруд” ҳамда “Уд” ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар. чолғулар, лира, танбур мизани, рабаб, миъзафа, мустақ, най, мизмар, сурнай, орган, шалйак, санж, барбат, шаҳруд, уд.

Чолғулар ҳар бир халқнинг миллий-маънавий қадриятини белгиловчи, руҳиятини ифодаловчи восита сифатида асосий маънавий дунёсини очиб берувчи омиллардан биридир. Ҳар бир миллат ижтимоий ва маданий ҳаётида азалдан қадриятлари ва анъаналари негизида юзага келган ўз миллий чолғуларига эгадир. Бу миллий чолғуларда миллатнинг маънавий дунёси, руҳий олами намоён бўлиб туради. Балки шунинг учун ҳам муסיқий чолғуларга бўлган эътибор асрлар давомиди ҳам халқлар томонидан равнақ топган ва ўз кадр-қимматини ошириб келгандир.

IX асрларга келиб Ўрта Осиё, Ўрта ва яқин Шарқ мамлакатларининг ижодиётида ижтимоий ва турли фанлар кескин ривожланганлиги хусусида манбаларда баён этилган. Шулар қаторида муסיқа илми ҳам ривожлана бошлаган. Унинг илк қадамлари ва ривожланиш жараёни Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али Ибн Сино каби ўз даврининг бетакрор алломаларининг номи билан боғлиқ. Уларнинг амалий тадқиқотларида муסיқани англаш турли илмлар (йўналишларда) олиб борилганлигини кузатишимиз мумкин.

Сосонийлар даврида (V-VII асрлар) яшаб ижод этган буюк санъаткор, хонанда, созанда Борбат мусиқа илмининг равнақи учун ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган. “Хусрав Парвизнинг саройида Саркаш, Бамшод, Нокус, Ромтин каби машҳур хонанда ва созандалар фаолият олиб борганликлари тўғрисида манбаларда бир қатор маълумотлар келтирилади. Лекин Борбат ўзининг бетакрор истеъдоди ва ижоди билан санъат соҳасида жуда машҳур бўлган” [2, 11-бет]. Борбат “борбат” чолғусини ихтиро қилганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар сақланиб қолинган [3, 14-бет].

Қайд этиш жоизки, ўрта аср алломалари мусиқанинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишда мусиқий чолғуларга ҳам катта эътибор қаратганлар. “IX – X асрлардан бошлаб кейинги кўп йиллар давомида Ўрта Шарқ мамлакатларида мусиқа ҳақидаги илм ривож топади” [6, 74-бет] – деб ёзади Т. С. Вызго ўз тадқиқотида.

Чолғуларни турларига қараб уларни барча хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирадилар. Хусусан, қадимги торли чолғулардан—уд, чанг (у вақтда ҳали арфа), нузха, қонун, рубоб, танбур, навхи, дамлилардан—най, сурнай, органун ва бошқалар тавсифланган ёки эслаб ўтилган. Кейинги асрларда ёзилган рисоалар ва бошқа манбаларда торли чолғулардан—датор, ғижжак, қобуз, руд, дамлилардан эса—найи анбон, чағона, рухафзо, буламан, шаммома ва бошқа чолғулар хусусида маълумотлар келтирилган.

Ўрта асрлар чолғулар дунёси ўзининг серқирралиги ва ранг-баранглиги билан характерланади. Ал-Хоразмийнинг “Илмлар қалити” қомусий асарида келтирган чолғулар, қадимий чолғуларнинг садоланганлиги ва албатта, ҳозирги давргача камол топиб амалиётда сақланганлигини кўриш мумкин. Ал-Хоразмий ўз даврининг 10 та чолғулари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. Ушбу чолғулар нафақат Ўрта Осиё, балки Шарқда машҳур эканлиги ва уларнинг қайси оилага мансублигига эътибор қаратилади. Хусусан, Лира (الور), –деб ёзади ал-Хоразмий, Юнон ва римликларнинг санж (الصنج)идир. Санж қадимдан халқларда чангсимон чолғу сифатида бўлган. Ал-Хоразмий лирани қандай чолғу эканлигини ва у Юнонликларнинг чангсимон чолғуси эканлигини қайд этиб ўтган. Қитара (القتارة) [гитара] уни танбурга ўхшаган чолғу деб баён этган. Демак, бундан келиб чиқадики, “қитара” торли чолғу, фақат кўриниши жиҳатидан танбурга ўхшаш бўлмаган чолғу эканини эътироф этади.

Узун бўйинли Бағдод танбурига нисбатан “Танбур мизани” (الطنبور الميزانى) термини қўлланган. Ал-Хоразмийнинг “Илмлар қалити” номли қомусий асарида ёзилишича “Танбур мизани (الطنبور الميزانى) узун бўйинли Бағдод танбуридир”. Ал-Форобийнинг “Китабул мусиқа ал-кабир”да ўз замонасининг танбури хусусида ёзган маълумотларида танбурнинг икки намунаси бўлган Хуросон танбури ва Бағдод танбурлари ҳақида маълумот берган. Ал-Хоразмийнинг “Илмлар қалити” асарида эса фақат Бағдод танбури ҳақидагина эслатиб ўтилган. Демак, бу даврда Бағдод танбури кўпроқ амалиётда бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Рабоб толи чолғусига нисбатан “Рабоб” термини ишлатилган. Рабоб (الرباب) – Эрон ва Хуросонда машҳур торли чолғудир. Бу ҳақида Ибн Синонинг “Муסיқа илми тўплами” китобида рабоб торли ва пардали, аммо чертиб эмас, камонча билан чалинадиган чолғудир, [5, 83- бет]– деб эътироф этилган. Ал-Хоразмий даврида амалиётда бўлган рабоб ҳам камонли торли чолғу эканлигини қайд этади.

Ал-Хоразмий чолғуларга таъриф бериш билан бир қаторда чолғуларнинг ватани ва уларнинг кўринишларига ҳам қисқача тавсиф бериб ўтган. Жумладан: Миъзафа (المعزفة) [арфасимон чолғу]–Ироқ ахлининг торли чолғусидир. Бу чолғуга нисбатан “миъзафа” термини қўлланилган.

Мустақ (المستق)–Хитойликларнинг найчалардан иборат бўлган пуфлама чолғусидир. Унинг исми форсчада бийше мушта (بيشه مشتة) дир.

Най, мизмар, сурнай, саффара – чолғуларни келтирар экан, улар пуфлама чолғу эканлиги ва қамишдан тайёрланганлигига ишора қилиб ўтади. Пуфлама чолғулар орасида махсус “даханали” (мунштукли) чолғуни алоҳида қайд этади. Бу айнан мизмардир. Дамли чолғулар ҳақида ал-Хоразмий тўртта чолғуни бир гуруҳга киритиб, уларга умумий тавсиф берган; уларнинг умумий жиҳатлари ҳақида айтиб ўтган: ҳаммаси пуфлаб чалиниши, қамишдан тайёрланганлиги билан бир гуруҳга тўплаган. Мизмор (тилли пуфлама чолғу) ҳақида эса бироз тўхталиб ўтган. Яъни, уни мундштук орқали пуфлаб, тилчасини торайиши ва кенгайишидан товуш ҳосил бўлиши, унинг боши эса қамиш билан ўраб қисилган бўлишини тушунтириб берган. Ал-Форобий пуфлама чолғулардан най ва сурнай ҳақида ёзган. Форобий баёнининг Хоразмийдан фарқи, у нафақат найни соз эканлиги ҳақида қисқача маълумот беради, балки унда товушнинг ҳосил бўлиши ва унинг юза қисмида еттита ва орқа қисмида иккита тешиги борлигини таърифлаб ўтган. Сурнайни эса юза қисмида саккизта, орқа қисмида битта, ён томонида иккита тешиги бўлганлигини қайд этган. [6, 74-бет] Ибн Сино ҳам бу чолғулар ҳақида тўхталиб ўтилган, хусусан, “торсиз, мизмор каби бир томонидан оғизга олиб пуфлаб ёки сурнай номи билан танилган “йароъ” каби тешикчага пуфлаб ёки меш сурнай каби ясалган мосламага пуфлаб чалинадиган (дамли) чолғулар” мавжуд бўлган. [5, 83-бет].

Арғанун (Орган) (الارغانون) – Юнон ва римликларнинг чолғуси, деб таъриф беради рисолада ал-Хоразмий. Унда қора мол (буйвол) терисидан бўлган учта (жилд) чарм меш бир-бирига уланади ва мешларнинг энг каттасининг бош қисми ўртасига товуш найча ўрнатилади. Мешларнинг тешикларидан найчаларни пуфлаш натижасида ҳамда керакли тешикларни ёпиш орқали созанда хоҳишига кўра ёқимли, жозибадор ва ҳазир товушлар чиқади [1, 235-246 бетлар]. IX-XI аср ёзма манбалари ичида Юнон ва римликларнинг орган чолғуси ҳақида ал-Хоразмий муфассал маълумот қолдирган. У чолғунинг кўринишига таъриф берар экан, унинг учта катта мешдан иборатлигини ва у қора мол терисидан тайёрланишини, мешларнинг энг каттасининг бош қисмига товуш ҳосил қилувчи ва найча ўрнатилиши,

бирор бир каттиқ жисмдан тайёрланганлигига ишора қилади. Орган чолғусидан товушни ҳосил қилиш учун эса ўша найчани пуфлаш ва керакли тешикчаларни ёпиш лозимлигини айтиб ўтган. Ибн Сино орган чолғусини таърифлар экан, энг аввало инсон руҳиятига яхши таъсир этиши ва, айниқса, римликларнинг дам берувчи машхур чолғуси деб эътироф этган.

Чолғуларнинг яратилиши ҳақида ривоят ҳам мавжуд: айтишларича “бир дарахтда бир парча ичак нечукдир осилиб қолган экан ва вақт ўтиб, шамол эсиши кучайган кезлари кечаю-кундуз ундан турли хил нағма (товуш)лар чиқадиган бўлибди. Шу орада бир ошиқ йигит бўлиб, айрилиқ чангалида ғам зарбаси билан синаси торларни уд каби созлаб, нағмалар қонунига ўхшаб, қонун симлари каби ҳарф бурчакка кўз ёшларини сачратаркан. Тўсатдан ичак томондан ул хуш садо ва ул дилкаш нидо унинг хуш қулоғида етиша бошлабди. Мунгли кўнгли ором топибди ва камонча шаклида ўзи ҳам бир соз ясабди, таълиф ва қонунлар яратилиши асносида ул мулойим нағма билан уйғоқлик юзасидан лаб очиб, ийъқоъ вазнлари зайлида шул огоҳ қалб билан созга қўл солибди” [7, 139-бет].

Шайқ (الشلياق) – Юнон ва римликларнинг торли чолғуларидан бири бўлиб, у чангга ўхшаб кетади. Бу чолғуга ҳам ал-Хоразмий қиёсий таҳлил киритган бўлиб, унинг чанг чолғусига ўхшашлигини, лекин у чанг эмаслигини эътироф этади. Юнонликларнинг чанги бу лира деб бироз олдин айтиб ўтган эдик. Демак, шайқ чонгсимонлар оиласига мансуб чолғудир.

Санж (الصنج) [чангсимон чолғу] – “у форс тилида чанг дейилади, деб ёзади ал-Хоразмий – у торли пардаларсиз мусиқий чолғудир. У ҳақида Ҳалил шундай деган: “чанг арабларда даф (الدقوف) (доирага ўхшаган чолғу)дан кўнғироқлар овозига ўхшаган овоз эшиталади. Лекин санж арабларга торли чолғу тарзида кириб келди ва у ҳақиқатдан ҳам ванаж (الودج)дир”. Ал-Хоразмий санжнинг тарихий келиб чиқиши ҳақида тўхталиб, унинг арабларда биринчи кўриниши урма чолғу сифатида доирасимон бўлганлиги ва кейинчалик торли чолғу тарзида кириб борганлиги ҳамда бизга қимматли маълумотларни бериб ўтган. Санж чолғуси ҳақида Ибн Сино ҳам маълумот беради: – “Санж ва салёқ каби торлари қопқоқ тепасидан эмас, балки ҳавода тортилиб томонларини бирлаштирувчи чолғулар” [5, 83-бет] – деб айтиб ўтган.

Шаҳруд (الشهروذ). У янги исмдир (замонавий чолғу). Унга ҳижрий 300 йилда Бағдодлик Ҳаким Ибн Ахвос Сўғдий асос солган. Ал-Хоразмий ўз замонасида амалиётда бўлган арфасимон чолғуларнинг янги варианты яратилганлиги ва унинг овоз диапазон нисбатан узайганлиги ҳамда шаклининг бурчаксимон кўринишга келганлиги хусусида маълумот беради. Ўрта асрларда кенг амалиётда бўлган чолғу “Барбат” ҳисобланади. Бу чолғу кейинчалик уд номи билан машхурдир. Ўрта аср манбаларида бу чолғуга қуйидагича таъриф берилади:

1. Чолғунинг шаклий тафсилоти хусусида шундай ёзади: “Барбат (البربط) – у уднинг арабча аталишидир. У форсча сўз бўлиб, “ўрдакнинг

кўкраги” демакдир. Чунки унинг кўриниши ўрдакнинг кўкраги ва бўйнига ўхшайди”.

2. Уд чолғусининг таркибий қисмлари шакл уйғунлигида ифода этар экан, ал-Хоразмий чолғунинг ҳар бир қисми (бўлаги)ни алоҳида таърифлаб ўтади. Унда чолғу қисмининг материалидан тортиб, токи чолғудаги хусусиятигача изоҳлаб ўтади. Уд чолғусининг торлари махсус номлар билан аталиб, унда тўртта тор бўлган. Уларнинг йўғон, яъни энг паст товуш берадиган тори – бам (энг паст), иккинчи тор – маслас (арабча – уч баробар баланд), масна (арабча – икки баробар баланд) ва тўртинчи тор эса – торларнинг энг ингичкаси зир (баланд товуш берадиган) эканлиги ёзилади.

Энг йўғон тори бамм (البم)дир. Ундан кейин маслас(المثلث) очилиши фатҳали мим ва таркибан енгил ломдан иборат “матлаб” кабидир. Масласдан кейин масна (المثني) очилиши фатҳали мим ва таркибан енгил нундан иборат. Маъно сўзидаги каби. Тўртинчи тор Зир (الزير) – торларнинг энг ингичкасидир [1, 235-246 бетлар].

Ал-Хоразмий торларни санаш билан бир қаторда, улар араб тилидаги қайси сўзга яқинлиги, айтилаётганда қандай талафуз қилиниши кераклигини ҳам баён этиб ўтган. Т.С. Вызгонинг “Музыкальные инструменты Средней Азии” китобида тўрт торнинг тўрт унсурлардаги аксини ифодалаган.

-“Зир” деб номланувчи тор олов унсурига ўхшаш, унинг чиқараётган садоси оловнинг иссиқлиги ва алангасига мосдир;

-“Масна” тори ҳаво унсурига ўхшаш бўлиб, у чиқараётган садо ҳавонинг намлиги ва юмшоқлигига мос келади;

-“Маслас” тори сув унсурига ўхшаш бўлиб, у чиқараётган садо сувнинг совуқлиги ва намлигига мос келади;

-“Бам” тори ер унсурига ўхшаш бўлиб, у чиқараётган садо ернинг оғирлиги ва салобатлигига мос келади. Торлар хусусиятларининг тавсифи улар орасидаги муносабатларга ва чиқараётган садоларнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишига мосдир” [6, 74-бет].

Уд чолғусининг қулоқларига торлар тортилиб, ўрни келганда уни созланиши кераклигини айтган. Ҳозирги кунда ҳам уднинг торлари унинг қулоқларига йиғилиб, торни созлаш вақтида бураб соланади.

Фикримизни мухтасарида шуни айтиш жоизки, чолғулар ҳар бир миллатнинг ўзлигини намоён этувчи омиллардан биридир. Унда миллатнинг ўзилиги намоён бўлади. Асрлар оша бизгача шаклланиб, ривожланиб келган чолғулар ҳақида сўз борар экан, уларнинг кадр-қиммати аждодлар оша авлодларга етиб келганидир. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳар биримизнинг бурчимиз деб айта оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Liber Mafatih al-Olum. Auctore Abu abdallah Mohammed ibn Ahmad ibn Jusof al-Khowarezmi/ Ed., indicts adjecit G. Van Vloten. – Lugduni – Batavorum, E.J BRILL. 1968. – 235-246 p.
2. С.Бегматов. Бастакорлар ижоди. Т: 2017 й. 11-бет
3. Ҳ.Ҳомидий. Даҳолар давраси. Т: 2011 й. 14-бет

4. Т.С. Вызго. Музыкальные инструменты Средние Азии. М. 1980 г. 74 с.
5. З.Орипов. Шарқ мусикий манбашунослиги. (X-XIасрлар). Т. 2008 й. 83 бет.
6. Н.Ҳасанхожа. Музақкири аҳбоб. Т: 1993 й. 139-бет
7. Van Zee, N. (1976). Responses of kindergarten children to musical stimuli and terminology. Journal of Research in Music Education, 24(1), 14-21. doi:10.2307/3345062
8. Purba, M. (2002). Gondang sabangunan ensemble music of the batak toba people: Musical instruments, structure, and terminology. Journal of Musicological Research, 21(1-2), 21-72. doi:10.1080/01411890208574797

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК КИНОСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Турсунметова Р.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
17.00.03 — Кино санъати. Телевидение ихтисослиги 1-курс Таянч
докторанти (PhD)*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек киносида мустақилликка эришилганидан кейинги ўзгаришлар, кино саъятини ривожлантириш йўлида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бугунги кунда пайдо бўлаётган янги тенденциялар ҳамда яратилган фильмларда кўтарилган мавзулар, шунингдек, кино соҳасидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. кино санъати, кинематография, киноиндустрия, эстетик таъсир, эстетик дид, аудио-визуал воситалар, жанр, мавзу, маҳорат, режиссура.

Жамиятнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани, жаҳоннинг кундан-кун тараққиёт чўққилари сари илдамлаётгани ҳар бир соҳанинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳамда вазифасини янада оширди. Хусусан, турли ғоя ва қарашларни дунё бўйича кенг тарғиб этишда, ёш ва жинс тоифасидан қатъий назар, катта оммани бирлаштиришда улкан қудрат ва имкониятга эга санъат ва маданият тармоқларининг бугунги ҳаётимиздаги улушини маълум қолиплар билан ўлчаш қийин. Шакл ва қамров жиҳатидан юзлаб турларга ажралган ушбу соҳалар ҳозир аудио-визуал кўринишда ҳар бир хонадонга кириб улгурди. Улар орасида, айниқса, эстетик таъсир қуввати ва кенг аудиторияси билан ажралиб турувчи кино санъатини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Зеро, мазкур санъат тури “замонавий ижтимоий-маданий муҳитда мустаҳкам жой эгаллаб, мунтазам ўзига қизиқиш уйғотиб келмоқда”[2,2Б.]. Бошқа санъат турларидан фарқли равишда кино замон ва макон чегарасини танламай, тасвир орқали образли фикрлаб, бадий хусусиятлари билан кишилар қалби ва тафаккурига бирдек кириб бориш ҳамда кенг қамровли томошабинларни қисқа фурсатда ўзига жалб этиш кучига эга. Шу боис, кинематографияга бўлган талаб ва мезонлар кун сайин ортиб, унинг жамият ҳаётидаги ўрни тобора мустаҳкамланяпти.

Юртимиз истиқлолга эришгач, кино санъатини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Чунки кишилар маънавий иммунитетини шакллантириш, маърифий тафаккурини юксалтириш, миллат анъаналари ва қадриятларини тиклашда кино санъати энг самарали восита сифатида хизмат қилди. Истиқлолнинг илк йиллари яратилган “Абдуллажон” (реж. З.Мусоқов, 1991), Кўзларим йўлингда” (реж. Ф.Мусаҷонов, 1991), “Во сне я горько плачу” (1991, С. Назармухаммедов), “Кетма” (1992, Ж. Исхаков), “Тангалик болалар” (реж. Т.Юнусов, 1992), “Юзсиз” (1993. И. Эргашев), “Тонг отгунча” (1993, Ю. Азимов), “Масхарабоз” (реж. Ш.Бошбеков, 1995), “Атроф қор билан бурканган” (1996, К. Камалова), “Марғиёна” (1997, Х. Файзиев), “Буюк Амир Темур” (1998, И. Эргашев, Б. Содиков), “Ўткан кунлар” (1998, М. Абзалов), “Воиз” (1998, Ю. Розиков), “Отамдан қолган далалар” (реж. Ш.Аббосов, 1998), “Кичкина табиб” (реж. З.Мусоқов, 1998), “Чимилдиқ” (реж. М.Абзалов, 1999), “Алпомиш” (реж. Х.Файзиев, 2000) сингари турли жанр ва мавзулардаги фильмлар ҳалоллик ва мардлик, муҳаббат ва меҳр-оқибат, халқ бирдамлиги, озод юрт, қадим урф-одатларнинг халқ ҳаётидаги ажралмас ўрни ҳақида ҳикоя қилиб, томошабинларни эзгу ғоялар сари бошлади. Шу боис, жаҳон бозорларидаги сармоя олиш ва манфаатдорлик тенденцияларидан фарқли равишда мамлакатимизда кино санъатига маънавий ва маърифат воситаси, юксак бадиият ва эзгу ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи соҳа сифатида қаралади. Айни шу жиҳат миллий кинематографиямиз талабларининг бош мезонини белгилаб, фильмлар йўналишининг мазмун-моҳиятини кўрсатиб келмоқда.

Ушбу соҳани янада ривожлантириш ва келгусида дунё кино маҳсулотлари билан рақобат юрита оладиган фильмлар яратишни таъминлаш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида”ги 1996 йил 29 апрелдаги 1427-сон Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарори билан “Ўздавкинокомпанияси” ва Ўзбекистон кинематографчилари уюшмаси негизида “Ўзбеккино” Давлат акционерлик компаниясининг қарор топиши бу соҳадаги илк дадил қадам бўлди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 16 мартда қабул қилинган 3407-сон Фармонга мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарорига асосан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги янги шакл ва мазмунда ўз фаолиятини бошлади. Ўтган давр мобайнида миллий кино санъатимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди, янги фильмлар, янги жанрлар, янги-янги номлар пайдо бўлди. Бир сўз билан айтганда, миллий кинода ўнлаб турли мавзу ва жанрларда янги фильмлар пайдо бўлиб, ўзига хос кино бозорини хосил қилди. Бироқ шу билан бирга баъзи муаммолар ҳам юзага қалқиб чиқди. Кино санъати сон жиҳатдан тобора

юксалиб боришига қарамай, унинг сифат даражаси ўзгармай қолаверди. Натижада қатор, савияси паст, хаваскорлик даражасидаги фильмлар сони ортиб борди. Бундай савияси паст фильмларга томошабиннинг ўзи “хонтахта фильмлар”, деб ном қўйиб олди. Бундай фильмларнинг юзага келиши, энг аввало, унда профессионализмнинг етишмаслиги, непрофессионал сценарий, непрофессионал актёрлар, етмаганига, уларни суратга олувчи режиссёрлар ҳам хаваскорлар эканлиги оқибатида юз берди. Бу ҳаммаси, кино соҳасида янги ислохотларга эҳтиёж туғдирди. Айнан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг 254-бандига асосан “Ўзбекистон Республикасида кинематография санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш режаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ – 3176-сонли “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва 2017 йилдан фаолият юрита бошлаган **“Кинематографияни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази”** амалда **“Кинематография тизимининг ташкилий тузилмасини ҳамда норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, кинематография объектларининг моддий-техника базаси ва архив фондини янгилаш, бу соҳада маҳсулот сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий усулларини амалда қўллаш имконини беради”**[1,3Б.]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги ПҚ – 3880-сонли “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар, яъни Ўзбекистонда С.А.Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институтининг филиали амалда “Ижодий маркази”ни ташкил этиш даркорлигига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Негаки, масалани кўндаланг қўйган ҳолда, унга муқобил ечим топиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кинематографияга қаратилаётган эътибор натижасини бугунги жараёнлар мисолида сарҳисоб қилиш мумкин. Жумладан, 2016-2018 йиллар кесимида олиб қаралса, АҚШ, Буюк Британия, Польша, Жанубий Корея, Россия, Хитой ҳамда Туркменистон каби ўндан ортиқ давлатларда “Ўзбек киноси кунлари” фестивали бўлиб ўтди, Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида “Корея киноси кунлари”, “Исроил хужжатли фильмлари кунлари”, Словакия, Япон, Туркман, Туркия киноси кунлари ташкил этилди, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Гёте институти Тошкент филиали ва Германиянинг “Шлингел” Халқаро кинофестивали дирекцияси билан ҳамкорликда болалар ва ёшлар учун “Шум бола” ўзбек ва немис кинолари фестивали, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси билан ҳамкорликда Европа киноси фестивалини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилди, ҳар йили миллий кинематографиядаги мавжуд муаммолар ечимига

қаратилган “Ёшлар ва кино” форуми, ёш истеъдодларни юзага чиқариш ва кўллаб-қувватлаш мақсадида “PROlogue” қисқа метражли фильмлар фестивали ташкиллаштирилмоқда. Қолаверса, Франциянинг Везул (“Орзу ортидан”, реж. Ю.Розиқов, “Илова”, реж. Ё.Тўйчиев), Туркиянинг Кемер (“Ўтов”, реж. А.Шахобиддинов) шаҳарларидаги Халқаро кинофестивалларда, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги “II Евроосиё кинофестивали” да (“Паризод”, реж. Ё.Тўйчиев), Россия Киноакадемиясининг МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларининг энг яхши бадиий фильми номинациясида (“Ҳазонрезги”, реж. З.Мусоқов), турли хил Халқаро талаба ёшлар кинофестивалларида миллий фильмларнинг муносиб иштирок этиб, турли мукофотларга эга бўлаётгани қувонарли ҳолдир. Негаки, нафақат профессионал фильм ижодкорлари, балки ёш мутахассислар ҳам нуфузли кўрик-танловларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини ошириш имконига эга бўлаётганликлари ўз навбатида, келгусидаги аъло даражадаги натижа беришига замин яратмоқда.

Бу каби изланишлар, шубҳасиз, ўзбек кино санъати учун қувонарлидир. Бироқ соҳада ечими қутилаётган қатор муаммоларнинг мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Улар орасида миллий кино маҳсулотларининг бадиий савияси билан боғлиқ оғриқли жиҳатлар асосий масалалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, соҳа ривожига қаратилган барча саъй-ҳаракатлар замирида томошабинларга яхши ва сифатли фильмларни етказиш мақсади ётади. Шу боис, миллий кино маҳсулотлари савиясини юксалтириш бирламчи вазифалардан саналиб, бу алоҳида эътибор ва доимий изланишни тақозо этади. Буни самарали ҳал қилишда эса тизимли ёндашувга асосланган илмий ишлар ва пировардида амалий ечимга хизмат қилувчи назарий тадқиқотларга таяниш ўринлидир.

Миллий фильмларнинг ҳар томонлама мукамал ва профессионал даражада ишланиши бугун ўзбек кино санъатига кўйилаётган бирламчи талаблардандир. Гарчи сценарий, режиссура, актёрлар ижроси, оператор иши, монтаж, мусиқа каби алоҳида компонентлар мазкур вазифани бажаришда муҳим саналса-да, фильм муваффақияти томмаънода унинг бадиий яхлитлиги билан боғлиқ. Айни шу масаланинг ҳозирги миллий кинематография намуналари мисолида ўрганилиши, фильмларнинг бадиий яхлитлигини таҳлилий асосда кўриб чиқиш, асосий объект сифатида танланган миллий картиналардаги композицион қурилиш, энг асосийси характер яратишнинг асосий тамойиллари нечоғли тўғри қўлланилиши ва охир-оқибат қандай натижага олиб келиши тадқиқ этилиши ва шу асосида аниқ таклиф ва хулосалар берилиши ва энг асосийси, замон ҳамда ҳукумат талаби соф санъат асари яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Савельева Е. Искусство кино. Учебное пособие. – Томск: Томский университет, 2013.

3. Zhang, R., Luo, X. On the character analysis in the audio-visual language (2008) 9th International Conference on Computer-Aided Industrial Design and Conceptual Design: Multicultural Creation and Design - CAIDCD 2008, № 4730523, pp. 78-82.
4. Mashurova, A. A., Izim, T. O., & Saitova, G. Y. (2015). The creation of female characters in works of art of the uighur classics. *Asian Social Science*, 11(19), 159-167. doi:10.5539/ass.v11n19p159

PROBLEMS OF THE DEVELOPMENT OF SOCIAL COMPENSATION IN PRIMARY SCHOOL TEACHERS

Kuranova M. M.

1-st year doktorant

13.00.02 - Theory and methodology of educational work

Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Holboy Ibragimov Supervisor: Doctor of Pedagogical

Sciences, Professor

Reforming the intensive development of society and the state is based on the introduction of modern ideas, developments and technologies to ensure rapid and high-quality progress of the country's civilization[1].

The implementation of the state youth policy in the country, the patriotic upbringing of young people, their spirituality, the creation of additional conditions for their upbringing will serve as a support for the youth, the creators of tomorrow, their education and comprehensive development.

It is well-known that in recent years, there has been a radical change in the work of the Ministries of Public Education and Higher and Secondary Special Education. In order to consistently implement the proposals and tasks set by the President of the country, it is envisaged to increase the scientific potential of each HEI and to train well-trained and modern staff.

The age of globalization shows not only its positive aspects, but also its negative aspects. This requires the teacher to have a good knowledge of social competencies in today's work, how to properly use and develop it. Currently, the word competence can be seen or heard almost every day. Competence (Latin *competere*) refers to the ability to demonstrate the ability to apply knowledge, skills and abilities to achieve the desired results. The core competencies are of two groups: basic (general) and special (science) competencies[2].

The following five important competences of modern graduates were identified during the 1996 Council of Europe Symposium in Bern, "Critical Competencies for Europe". These are:

1. Political and social competences (taking responsibility, participation in decision-making, non-violent resolution of conflicts);
2. Competence to live in a multinational community (passionate acceptance of differences, respect for others, and interaction with other cultures);
3. Oral and written communication in one or more languages;

4. Competence to live in an information society (knowledge of new technologies, their application, information disseminated through the media, critical attitude to advertising);
5. Ability to self-teach in the context of vocational training throughout the life cycle.

The training of future primary school teachers requires the training of highly qualified specialists with a wide range of skills and abilities to solve the social and pedagogical activities in this area. The professional activities of elementary school students today are not limited to pedagogical competences themselves.

Recently, graduates of higher education institutions have been experiencing a lack of professional competence in the classroom, extracurricular activities, cooperation with parents and parents, and constructive solutions to problem situations, due to the lack of social interactions, skills and competencies in today's vicious cycle. is coming[3].

The national enhancement of our country requires mature human resources that can effectively and efficiently address professional and life problems in all areas. Competence reflects the relationship between professional knowledge and professional learning, as well as the results reflected in the activities.

The development of social competence for future primary school teachers has become a social contract for higher education institutions across the state. It is important to develop a student's personal development, intellectual potential, emotional will and personal qualities, a sense of purposeful responsibility, humanism, tolerance, self-sacrifice, and more.

In this regard, we believe that it is necessary to create a methodology for the development of social competence for future primary school teachers, to develop modern pedagogical competence in order to further improve the field of primary education.

For this purpose it is necessary to substantiate the concept of “basic competences of the primary school teacher” and “social competences of the primary school teacher” based on the requirements of the concept of “Continuous spiritual education” implemented in the country.

The results of the research validated the efficiency of the operational model for the development of psychosocial competences of the beginning teachers. In order to enhance the efficiency of the intervention programme, the assimilation, formation and development of the new concepts, abilities, and capacities have been achieved in problematized situations which favoured the processes of individual and collective thought, of analysis and utilization of pedagogical experiences. Consequently, there were conceived activities for the development of each specific competence, by making use of interactive strategies, of the alternation between plenary and team work activities, of the optimal utilization of the beginning teacher's cognitive and practical experience.

Pilot experiments were first conducted on October 28 - November 3, 2019 in the elementary grades of the secondary school number 38 in Dahbed town of Akdarya district of Samarkand region. In the early grades, training was conducted on the formation of such competencies as Patriotism, Partnership, Kindness, Responsibility and Ideological Immunity.

References

1. On October 19, 2016, a speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev spoke at the opening ceremony of the 43rd session of the OIC Ministerial Council.
2. Muminov I.M. Prominent thinkers of Central Asia. edition. 1986 p. 269
3. Nurutdinova Z.G. Pedagogical ideas of Abu Raykhan Beruni, - Tashkent. Ed. "Fan." 1989.
4. PEDAGOGICAL DICTIONARY-REFERENCE Edition 2, revised and supplemented. Under the general editorship of prof. Khodieva B.Yu. Compiled by: prof. Seythalilov E.A., prof. Rakhimov B.Kh., Doctor of Technical Sciences Majidov I.U. p. 664, Tashkent - 2011
5. <https://www.expeducation.ru/ru/article/view?id=8628>
6. Hutmacher Walo. Key competencies for Europe/ZRepbrt of the Symposium Berne, Switzerland 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) a //Secondary Education for Europe Strsburg, 1997.

РОЛЬ КИНО В ВОСПИТАНИИ ПАТРИОТИЗМА У СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

Хусанов Ш.Т.

Докторант-соискатель

*Государственного института искусств и культуры Узбекистана
17.00.03 – Искусство кино. Телевидение*

За годы независимости в Узбекистане последовательно реализуются масштабные реформы в духовно-просветительской сфере, осуществляются масштабные реформы, направленные на формирование здорового и гармонично развитого поколения с высокой духовностью. Уделяется особое внимание вопросам повышения национального самосознания, духовности, возрождения исторической памяти, воспитания молодого поколения в духе патриотизма, глубокого уважения к наследию предков. Ведь, «...каждое государство, каждая нация сильна не только своими природными ресурсами, военной мощью и производственным потенциалом, но в первую очередь – своей высокой культурой и духовностью» [4.Б.12].

В воспитании молодого поколения искусство кино играет немаловажную роль, т. к. во все времена во всех странах кино имело не только развлекательный характер, но и воспитательный [2]. Как и другие виды экранных искусств, кино имеет особую степень воздействия на формирование личности и духовного мира молодежи. В целях воспитания всесторонне развитого поколения со стороны государства уделяется особое внимание к проблеме развития национального киноискусства.

Обретение Республикой Узбекистан независимости способствовало формированию нового кино. В 1992 - 2004 гг. был принят ряд важнейших правительственных указов, направленных на развитие национального

киноискусства в целом. Государство взяло на себя роль спонсора (начиная с 1996 г. ежегодно из бюджета финансировалось 6 полнометражных игровых лент и т.д.), что повлияло позитивным образом на социально-общественную роль кинематографа.

Большинство людей как патриотическое кино принимают фильмы, снятые только на военную тему, но понятие патриотический фильм намного шире. Патриотические фильмы – это фильмы, освещающие граждан страны в хорошем свете, пропагандирующие любовь к родине [З.Б.749].

В Советском Союзе государство делало упор на детских и молодежных фильмах, героями которых были честные трудолюбивые люди из обычных рабочих семей. Герои таких фильмов всегда были добрыми и принципиальными. Детское кино – самое гуманное искусство, формирующее человека в самом начале его развития. Именно поэтому фильмы для детей не должны пропагандировать такие отрицательные явления, негативно влияющие на воспитание, как насилие, жестокость.

В последнее десятилетие в Узбекистане над детскими художественными фильмами работало новое поколение режиссеров, таких, как З.Мусаков, М.Баймухамедов, М.Абзалов. Характерная черта фильмов З.Мусакова «Абдуллажон», «Маленький лекарь» – переплетение разных жанров кино и тесный контакт реальности с фантастикой. Это дало возможность режиссеру поднять в фильме самые актуальные проблемы современной жизни.

Отечественные кинорежиссёры, особенно за последние 8-10 лет, начали больше снимать фильмы на патриотические, исторические и духовно-просветительские темы. Кинорежиссёр З.Мусаков в своем фильме «Ватан» («Родина»), снятом в 2004 году, затронул тему патриотизма. «Ватан» – это самый большой по масштабу художественный фильм, которая повествует о человеке, через судьбу которого раскрывается понятие «Родина».

Ее сюжет немного напоминает один из эпизодов романа Каверина «Два капитана». Два друга влюблены в одну и ту же девушку, Гунафшу. Она отдает предпочтение одному из них и обещает выйти за него замуж. Но наступает война, и оба друга уходят на фронт. Суженый главной героини, Курбон попадает в концлагерь, через несколько лет эмигрирует в Америку, где открывает свою фирму. В старости лет он возвращается в родной Узбекистан, и, узнав о предательстве друга, с жадной мести отправляется вслед за ним...

Фильм «Ватан» был отмечен несколькими наградами, в том числе и спецпризом жюри, призом зрительских симпатий, призом кино клубов кинофестиваля в Смоленске. После премьеры, фильм был объектом активных обсуждений кинокритиков, но, самое главное, зрители, особенно молодые кинолюбители, встретили его восторгом.

Другой режиссёр, Х.Насимов, в этом году снял фильм «Слепые» о переломном моменте в истории современного Узбекистана, когда республика

пришла к независимости на рубеже 90-х годов. Через этот фильм он старался показать, как произошло становление независимости нашей страны. Это были непростые времена, именно тогда на арену вышли различные экстремистские религиозные организации и все они рвались к власти, хотели создать халифат [5]. Фильм является полезным материалом для воспитания молодежи, которая не совсем осведомлена о тех временах.

Кинокартина Х.Насимова «Заблудившиеся» рассказывает о судьбе молодого узбекистанца, который попадает под влияние экстремистов и уезжает в Турцию. Там он примыкает к преступной группе, замышляет враждебные планы против своей же Родины. Герой фильма проходит трудный путь раскаяния и возвращения на Родину.

Х.Насимов в последние годы, как режиссёр, активно снимает фильмы на патриотическую тематику. Премьеры его фильмов «Одноклассники.ру», «Обманутая женщина», «Мираж», «Сардор-3: Священный долг», «Подлость», «Угроза» вызвали большой интерес у зрителей. Эти художественные фильмы, посвященные и теме религиозного фанатизма, и теме экстремизма, вероотступничества, измене родине, нацелены на то, чтобы привлечь интерес массового зрителя к судьбам тех людей, которых по причине своих ошибок оказались вовлечены в бессмысленную войну, террористические акты против своей же родины, и нашли свою смерть в самых ужасных условиях.

Умение привлечь зрителя, заставить его сопереживать героям, проникнуться духом и идеей фильма – вот к чему должны стремиться производители фильмов. Вообще, понятие «патриотизм» очень многогранно. Традиционно под ним подразумевается чувство гордости за свою страну, нацию, культуру, литературу, искусство, армию, спортсменов, врачей, талантливых ученых и педагогов, выдающихся соотечественников. Однако не стоит забывать, что это еще и уважение к узбекскому кино. Очень важно понимать, что в узбекском зрителе чувство патриотизма нужно воспитывать узбекскими же фильмами, снятыми по примеру лучших образцов отечественного кинематографа.

Со стороны узбекских кинематографистов в военные и послевоенные годы были сняты много хороших фильмов, посвященные военной тематике, возбудившие у зрителей чувство патриотизма. «Яблоки сорок первого года», (1969) «Незабываемая песня» (1974) Р.Батырова, «Баллада о двух солдатах» (1968) З.Сабитова, «Маленький человек на большой войне» (1990) Ш.Аббасова, «Возвращайся с Солнцем!» (1979) Х.Файзиева – все эти фильмы внесены в Золотой фонд отечественного кинематографа. Чего только стоит фильм «Ты – не сирота» (1963) Шухрата Аббасова, ведь этот фильм стал достоянием не только советского кино, но и мирового. Он удостоился главного приза – Гран-при международного кинофестиваля во Франкфурте-на-Майне в 1963 году.

На патриотическую тему в годы независимости республики снимали фильмы и режиссёры Ж.Касымов («18-й квадрат»), М.Абдухаликов («Заблудшие», «Сардор - 2»), Ф.Файзиев («Нам жить дальше»), Д.Исхаков («Охота настоящих мужчин»), Б.Адиллов («Джасур»), Э.Хошимов («Молодец, Камолиддин!») Ш.Исомов («Умид») Р.Саъдиев («Предатель», «Барон»), А.Ганиев («Крепость») и др.

Однако подобными серьезными картинами несколько проблематично заинтересовать нынешнее молодое поколение и повернуть его в сторону отечественного кино, хотя бы даже потому, что у них еще слишком мало жизненного опыта для того, чтобы до конца прочувствовать и понять такие фильмы. Поэтому возникает потребность в качественных узбекских фильмах, но более «легкого» жанра и содержания.

Необходимо заметить, что познания, осведомленность молодых зрителей в вопросах драматургии кино, режиссуры, актёрского исполнительства, операторского мастерства в последние годы значительно возросли. Здесь надо заметить, что большую роль сыграло и так называемое коммерческое кино, которое смогло вернуть некогда утраченного зрителя отечественного кино в кинозалы страны.

В последнее время, что отрадно, в некоторых фильмах, снятых частными студиями, стали наблюдаться диалоги, иногда целые эпизоды, воспитывающие у молодежи патриотический дух. Но пока что отечественные коммерческие фильмы, в основном созданные по модели кино Голливуда, носят развлекательный, в жанровом отношении мелодраматический характер и такие фильмы заметно доминируют в общем кинопроцессе. Частные киностудии выпускают около 40-50 картин в год.

Кино, как самое доступное широким слоям населения зрелище, может быть эффективно использовано в целях пропаганды и воспитания. Увы, не все режиссеры частного кино понимают это и своими некачественными фильмами неосознанно пропагандируют вредные элементы массовой культуры среди молодежи.

Когда речь идет о молодежи и ее духовности, следует учитывать, что ныне наблюдаются попытки проникновения в сознание нашей молодежи под маской «массовой культуры» безнравственности, таких пороков, как насилие, отчуждение от наших истинных духовных и национальных ценностей, что, безусловно, не оставляет нас равнодушными.

Сегодня под воздействием массовой культуры постепенно разрушаются нормы, ценности и традиции общества. Люди Запада под словом «свобода» начали понимать в основном право игнорировать всякие моральные, культурные установки социума. Под воздействием массовой культуры фильмы на тему однополый любви западному зрителю уже давно перестали казаться безнравственными. Более того, такие картины все чаще стали брать самые престижные мировые кинопремии.

Сегодня из-за высокой миграции, из-за нарушения преемственности культурно-исторических ценностей, деформации ценностей молодёжи, отсутствия целенаправленного формирования патриотических чувств и снижения социальной активности подростков, проблема воспитания молодежи в духе патриотизма стала еще более актуальной.

В целях защиты от влияния на сознание молодежи негативных тенденций перед нами стоит задача воспитания молодежи в духе идеи национального возрождения, уважения национальной культуры и ценностей через обеспечение организации просмотров отечественных кинофильмов.

Думается, что производство фильмов на патриотическую, духовно-просветительскую тему, которые будут отражать общечеловеческие и национальные ценности нашего народа, будет иметь огромное воспитательное значение. Активное использование их в системе воспитательной, духовно-нравственной работы, несомненно, послужит воспитанию развитого поколения – будущего нашего государства.

Поэтому целесообразно воспитывать молодежь на лучших мировых и узбекских фильмах, которые в скором будущем станут ещё более качественными. И тогда, возможно, мы получим совсем другое кино, сценаристы и режиссеры которого будут воспитаны именно на патриотических фильмах, а не на западных трансформерах и форсажах.

Если сказать словами известного узбекского писателя, драматурга, просветителя и педагога – Абдуллы Авлони, «Воспитание для нас вопрос жизни или смерти, вопрос спасения, счастья или трагедии...» [1.Б.7]. Ценить сегодняшний мир и стабильность в нашей стране, воспитывать чувство патриотизма, понимать значимость этих понятий, объяснять это нашей молодёжи – священный долг каждого из нас.

Список литературы:

1. Абдулла Авлони. Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ (Тюркский цветник, или Мораль). – Т. 1913. – С. 7.
2. Валерий Кичин. Интервью с Сергеем Сельяновым: Кино государственного значения. // Российская газета – Федеральный выпуск № 3520. –2004. [электронный ресурс]. – URL: <http://www.rg.ru/2004/07/07/selyanov.html>.
3. Гуляев А. С., Евченко М. Н. Кино как средство патриотического воспитания // Молодой ученый. – 2014. – №8. – С. 749-751.
4. Ислам Каримов. Наша высшая цель - независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. – Ташкент: Узбекистан, 2000.- С.12.
5. Хилол Насимов в новом фильме расскажет всю правду о независимости Узбекистана [электронный ресурс]. – URL: http://kultura.uz/view_5_r_6804.html.

BO‘LAJAK SAN’AT VA MADANIYAT XODIMLARIDA INNOVATSION TASHABBUSKORLIKNI RIVOJLANTIRISH TENDENSIYALARI

Fayzullayeva X.Q.

*O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining doktoranti
13.00.01 – Pedagogika nazariyasi. Pedagogik ta’limotlar tarixi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada bo‘lajak san’at va madaniyat xodimlarida innovatsion tashabbuskorlikni rivojlantirish tendensiyalari, mavjud muammo va yechimlar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: san’at, madaniyat, innovatsiya, tashabbus, tendensiya, ijod, strategiya, intellekt, maqsad, iste’dod, kadr, mutolaa, dunyoqarash.

Har bir ijodiy tanlov–insonni teran fikrlashga, tafakkur qilishga, o‘qish va izlanishga undaydi. Mustaqil fikrlaydigan, muttasil kitob o‘qiydigan va o‘z ustida izlanadigan inson esa albatta barkamol bo‘ladi. Ana shu asnoda bo‘lajak san’at va madaniyat xodimlarining innovatsion tashabbuskorligini rivojlantirish bugungi kunda eng dolzarb masalalardan biridir. Zero, shiddat bilan rivojlanayotgan davrda san’at va madaniyat har bir maskan uchun ko‘zgu vazifasini bajaradi. Shuning uchun ham bo‘lajak san’at va madaniyat xodimlarini yuksak did, kuchli bilim, chuqur intellektual salohiyatli kadr bo‘lib shakllanishida ilmiy izlanishlarning aniq strategiyasini bosqichma-bosqich amalga oshirish soha taraqqiyoti uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun qator tavsiyalarni quyida havola etamiz:

- bo‘lajak san’at va madaniyat xodimlarida kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish borasida targ‘ibot-tashviqot ishlarini samarali va tizimli tashkil etish;

- mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub o‘zgarishlar bilan yaqindan tanishtirish;

- o‘z iqtidorlarini namoyish etishlari uchun shart-sharoitlar yaratish hamda ularni qo‘llab-quvvatlash;

- ularning etik hamda estetik bilimini boyitish;

- ilmiy va ijodiy salohiyatni yanada oshirish;

- bo‘sh vaqtni maqsadli tashkil etish va ijodiy intilishlarni munosib rag‘batlantirish.

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan barcha sohada hayotga tatbiq etilayotgan istiqbolli loyihalar, joylarda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli bunyodkorlik ishlari xalqimizning nafaqat turmush tarzini, balki dunyoqarashini ham tubdan o‘zgartirmoqda. Bunday ezgu jarayonni madaniyat va san’at rivojiga, ijod ahliga ko‘rsatilayotgan yuksak e’tibor misolida ham ko‘rish mumkin. So‘nggi ikki yilda mazkur sohaga taalluqli 20ga yaqin Farmon va Qarorlar qabul qilindi. Ular ijrosi yuzasidan say-harakatlar olib borilyapti. Prezidentimizning 2018-yil 26-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasida madaniyat va san’at sohasini innovatsion rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori ushbu jabhani innovatsion rivojlantirishga qaratilgan muhim

hujjat sifatida alohida ahamiyatga ega. Shu bilan birga, ushbu sohada madaniyat va san'atni yanada rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolar va kamchiliklar mavjudligi yoritilgan. Jumladan, "Xodimlarning kasbga tayyorgarlik darajasi hamda madaniyat va san'at muassasalari tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlarning sifati zamonaviy talablarga va xalqaro standartlarga mos kelmaydi, bu esa ularning mahalliy tashrif buyuruvchilar va turistlar uchun jalb etuvchanligini pasaytirmoqda; mahalliy madaniyat va san'at muassasalarining jahon madaniy makoniga puxta integratsiya qilinmaganligi mamlakatimizning ijobiy qiyofasini shakllantirishda va mintaqaning madaniy markazi sifatidagi maqomini mustahkamlashda mavjud boy madaniy-tarixiy merosdan hamda madaniyat va san'atning zamonaviy yo'nalishlaridan to'liq foydalanish imkonini bermayapti".[1]

Yuqorida keltirilgan muammo va kamchiliklarning barchasi biz asoslayotgan mavzuning tadqiqot obyekti bo'lib, keltirilgan ilmiy xulosalarga tayangan holda o'zining innovatsion yechimini topadi.

Mamlakatimizda kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish, iqtisodiyot va ijtimoiy soha tarmoqlarini yuqori malakali mutaxassislar bilan ta'minlash, bakalavr va magistrnlarni tayyorlashda ish beruvchilarning joriy va istiqboldagi ehtiyojlarini inobatga olgan holda son va ta'lim yo'nalishlari uyg'unligiga erishish, oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilari mehnatidan foydalanishni yaxshilash, hududlarni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish kabi masalalar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu bilan bir qatorda Madaniyat vazirligi tizimidagi oliy ta'lim muassasalarida tayyorlanayotgan kadrlar salohiyati ayniqsa, innovatsion tashabbuskorligini rivojlantirish vazirlik tizimidagi oliy ta'lim muassasalarining eng asosiy, ustuvor vazifalaridan biridir.

Bundan tashqari kadrlarni o'z o'rniga qo'yish, soha bo'yicha oliy ma'lumotli, madaniyat va san'at sohalariga katta tajribaga ega malakali mutaxassislarni jalb etish bo'yicha aniq chora-tadbirlar ishlab chiqish va zahira kadrlar bazasini shakllantirishga alohida e'tibor berish va bu masala bo'yicha aniq mexanizm yo'lga qo'yilishi kerak.

Yana shuni ham alohida ta'kidlab o'tish joizki, bugungi kunda davlatimiz rahbari tashabbusi bilan deyarli barcha soha vakillariga qo'shimcha sharoitlar yaratish, ularni munosib taqdirlash ishlari olib borilmoqda. Xususan san'at va madaniyat sohasida ham mehnat qilayotgan, o'zining badiiy, ijtimoiy-siyosiy ruhdagi ilmiy-ijodiy izlanishlari bilan xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirish, jamiyatimizda tinchlik-osoyishtalik, o'zaro hamjihatlik va mehr-oqibat muhitini mustahkamlashga munosib hissa qo'shayotgan, innovatsion tashabbuskor madaniyat va san'at xodimlari mehnatini rag'batlantirish tizimli ravishda keng yo'lga qo'yilgan. Masalan, "Madaniyat va san'at tashkilotlari ijodiy uyushmalar va ommaviy axborot vositalari faoliyatini yanada rivojlantirish, soha xodimlari mehnatini rag'batlantirish bo'yicha qo'shimcha sharoitlar yaratishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorida shunday deyilgan: "Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va

Toshkent shahar hokimliklari shaharlarda barpo etiladigan ko'p kvartirali arzon uylar hamda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar asosida barpo etilayotgan arzon uy-joylarga muhtoj fuqarolar ro'yxatini belgilangan tartibda shakllantirishda O'zbekiston Milliy axborot agentligi, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi tizimidagi tashkilotlar, O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi, O'zbekiston Badiiy akademiyasi, O'zbekiston kompozitorlari va bastakorlari uyushmasi a'zolari va xodimlari, jumladan, ushbu sohadagi iste'dodli va istiqbolli yoshlarning uy-joyga bo'lgan ehtiyoji inobatga olinsin".[2] Bu kabi imkoniyatlar haqida gapirganimizda qator misollarni keltirish mumkin. Shukurki, cheksiz imkoniyatlar hadya etgan tinch va osuda yurtda yashayapmiz. Faqatgina yuksak marralarni egallash maqsadida ana shunday imtiyozlardan, imkoniyatlardan oqilona foydalansak bas.

Xulosa qilib aytganimizda, san'at va madaniyat o'zining ichki rang-barangligi, haqiqat, ezgulik, soflik va yetuklik sari intilishdagi beoromligi, doimo izlanishda va rivojlanishda bo'lishi bilan tirik. Madaniyat va san'atning bu xususiyati jamiyatni bir joyda qotib qolmaslikka undaydi. Zero, bugungi davr talablari ham kechagi kunnikidan butkul farq qiladi. Hozir zamonaviy fikrlaydigan, eng so'nggi yangiliklar bilan hamnafas yashaydigan, kun sayin dunyoqarashini boyitib boradigan shijoatli, tashabbuskor kadrlarni tayyorlashga ehtiyoj oshib bormoqda. Bas shunday ekan, bo'lajak san'at va madaniyat xodimlarida innovatsion tashabbuskorlikni rivojlantirish bugun biz soha mutaxassisleri oldida turgan asosiy vazifalarimizdan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "O'zbekiston Respublikasida madaniyat va san'at sohasini innovatsion rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori. Toshkent shahri, 2018-yil 26-avgust.

2. "Madaniyat va san'at tashkilotlari ijodiy uyushmalar va ommaviy axborot vositalari faoliyatini yanada rivojlantirish, soha xodimlari mehnatini rag'batlantirish bo'yicha qo'shimcha sharoitlar yaratishga doir chora-tadbirlar to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori. Toshkent shahri, 2017-yil 14-avgust.

МУСИҚАЛИ ТЕАТРДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ ИФОДАВИЙЛИГИ

Ибрагимова У.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти "Саҳна нутқи" кафедраси катта ўқитувчиси,
17.00.01 – Театр санъати ихтисослиги
мустақил изланувчи*

Аннотация. Мазкур мақолада ёшларимизни маънавий тарбиясини муқаммал қилиш, уларнинг қалбида ватанга бўлган муҳаббат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни шакллантириш, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, ҳамда муסיқали театр актёрларини тарбиялашда устозлар

қолдирган анъаналардан кенг фойдаланиб ривожлантириш, анъаналарни давом эттириш услублари ҳақида кенг ёритилган. Шу билан бирга актёр тарбиясида устоз санъаткорларнинг аъанасини сингдириш, саҳнавий нутқнинг ифодавийлиги каби масалар ўрин олган.

Калит сўзлар: анъана, маҳорат, услуб, шакл, руҳият, нутқ, образ, актёр, қахрамон, сиймо, тарих, ноёб, манбаа, фидоий, мерос, ария, саҳна, техника.

Ҳар қандай жамиятнинг эртанги кунда ёш авлоднинг қай даражада тарбия топаётгани муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда ёшларимизга қаратилаётган юксак эътиборни эртанги келажагимизнинг буюк пойдевори, десак муболаға бўлмайди.

Даврлар ўзгариши жараёнида бугунги кун ижодкорларининг ижодий услублари ҳам ўзгариб, ранг-баранглик касб этиб боради, актёрлик маҳорати, саҳна нутқи борасида эса, бу соҳага улкан ҳисса қўшган устоз санъаткорлар ибрати асос бўлиб қолаверади. Бу борада бугунги кун актёрлари ҳам устозлар анъанасини такомиллаштирган ҳолда бўлса-да, сақлаб қолишга интилади. Саҳнадаги ижро қандай шакл ва услубда, хоҳ замонавий бўлсин, хоҳ тарихий муҳит бўлсин, уни томошабинга етказувчи ва бевосита таъсир этувчи асосий куч сўз ва актёрнинг ижро маҳоратига боғлиқдир. Лекин аксарият асарларда ягона адабий тил қоидаларига амал қилинмас, спектакллар турли шеваларда ижро қилинган.

Бугунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш ҳақида фармон имзолагани қувончли ҳолатдир.

Унга кўра, 21 октябрь «Ўзбек тили байрами кuni» деб эълон қилиниши, халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиклол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт куришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини,

азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Шундай экан бугунги кунда театрларда сахналаштирилаётган асарлардаги сахнавий нутққа бўлган эътибор сабаб, драматурглар пьесаларни шевачиликдан ҳоли, замонавий адабий тилда ёзишга ҳаракат қилмоқда.

Муסיқали театрни оёққа туришида Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев каби ўнлаб санъат дарғаларининг хизматлари сингган. Уларнинг ёшларга қолдирган бой маънавий мероси, ижрочилик маҳорати борасидаги анъаналари муסיқали театр тарихида ноёб дурдона ва юксак намуна сифатида яшаб келмоқда. Гарчанд, инсоният ва даврлар ўзгарса-да, устоз санъаткорларнинг ижодий фаолияти ўз моҳияти ва кучини йўқотмайди. [1]

Биз актёрлар тарбиясида устозларнинг тажрибаси, ибратли томонларини сингдиришга интилишимиз керак. Муқимий номидаги муסיқали театри актёрлари Маҳмуджон Ғофуров, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев, Суръат Пўлатовлар спектаклда рол ижро этганда нутқининг тозалиги, равонлиги билан ҳаммани таъсирлантирган.

1958 йилга келиб ана шундай устозларнинг изидан яна бир янги истеъдодли авлод шаклланди. Хусан Шарипов, Гулсара Ёқубова, Марям Ихтиёрова, Ҳаким Носиров, Файзулла Аҳмедов кабибир қатор актёрлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда бу санъаткорлар ўзларининг изидан театрнинг бир эмас, икки уч янги авлодини эргаштира олган, халқ ардоғидаги санъаткорларга айланган устозлар бўлиб етишди, десак муболаға бўлмайди.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларга юз буриш имконияти пайдо бўлди. Шу ҳақда фикр юритилганда, беихтиёр ўзбек тилининг ҳақиқий жонкуярлари бўлган, шу йўлда ўзларини қурбон қилган 1916-30 йиллардаги маърифатпарварлар – Абдулла Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Ҳамид Абдулла, Бадрий, Сотти Ҳусайн, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби неча ўнлаб фидоийларнинг сиймоси якқол кўзга ташланади. Улар зўравонликка қарши курашдилар, миллий меросни сақлашга ва ундан унумли фойдаланишга уринганлар ва шу тамойилга амал қилиб, адабиётни ҳам «нафис адабиёт» деб атаганлар.

Бир маҳаллар тил софлиги, аниқроғи талаффуз намунаси сифатида театрлар тили ва талаффузи хизмат қилган. Фақатгина бу эмас, ҳатто кийим ва ўзаро муомала маданияти соҳасида ҳам халқ артистларидан ўрнак олган эканлар. Бунинг сабаби, театр тарихчилари келтирган маълумотларга кўра, театрларда тил ва талаффуз масаласига жуда катта эътибор берганлар. Драматургияда маърифат бошлаб берган бу хайрли анъаналарни давом эттиришда Маннон Уйғурдек атоқли санъаткорларнинг ўрни беқиёс бўлган. Нутқ устида эътибор билан ишлаган устозларни кўплаб мисол келтириш мумкин.

Муқимий театрининг етук санъаткорларидан бири бу Ҳамза Умаровдир. Унинг ижодий фаолиятида сахна нуткига бўлган эътибор алоҳида тадқиқотга эга объект ҳисобланади. Актёрдаги кучли драматургик, муסיқий маҳорат билан бирга нутқий истеъдод ҳам муסיқали театр тарихида ўлмас образлар пайдо бўлишида асос бўлади. Ҳамза Умаровнинг сахна нуткига бўлган эътибор билан ишлаши мутахассис ва мухлисларни ўзига жалб этган. У бутун умрини театр санъатига бағишлаган, жаҳон киноси олтин хазинасидан ўрин олган мингга яқин киноленталар дубляжида овоз берган, ўзбек бадиий киносининг энг сара намуналарида роллар ўйнаган. У қолдирган мероссерқирра ва кўлами кенглиги билан кишини ҳайратга солади. [2]

Ҳамза Умаров ижодининг дастлабки онларидаёқ сўзга талабчан бўлган. У муаллиф ёзган персонаж нуткига сайқал бериш, катта мазмун юклаш актёрнинг вазифаси деб билган. “Ноўрин сўз ортиқча ҳаракатни келтириб чиқаради, асосланган сўз фикр жонли ҳаракатни яратади. Сўз ва ҳаракат номувофиқлиги актёрга образнинг етакчи ҳаракатни топишга ҳалақит беради», деб таъкидлаган.

У юзга яқин фильмда рол ўйнаган бўлса, уларнинг аксар қисми салбий ва мураккаб психологик образлардир. Ҳамза Умаров чин маънодаги импровизатор актёр бўлган. Агар у бир ролни ўн мартаба ўйнаса, ўн хил яратган. Янги-янги топилмалар орқали ўз ролини, қолаверса, спектаклни бойиган. Ҳамза Умаров дубляж санъатидан жуда кўп нарсани ўрганган экан. Унинг нутқи паст ва юқори, ўрта регистрдаги тўғри нафасга кўйилган бўлиб, жуда ёқимли ва таъсирчанлиги билан ажралиб турган. У қаҳрамонларининг нозик ҳиссиётларини ўз овози билан бемалол ифода эта олган. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» комедиясидаги Иван Буншани сатирик тарзда ифода этса, Иван Грознийнинг фармонбардор характерини шиддаткор руҳда ифодалашга эришган. Ҳамза Умаров сўз сеҳри орқали образни талқин қилишда беқиёс маҳорат эгаси эди. Айтишларича, Осиё, Африка, Лотин Америкаси 4-халқаро кинофестивалига ташриф буюрган ушбу рол ижрочиси Юрий Леонов телевизорда бу фильмни кўриб, Ҳ.Умаровнинг дубляж маҳоратига лол қолган экан.

Ҳ.Умаров Муқимий театридан нафақага чиққанидан сўнг, то вафотига қадар собиқ Тошкент Маданият (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтида талабаларига сахна нуткидан сабоқ бериб келган. Унинг ташаббуси билан «Сахна нутқи» кафедраси ташкил этилган.

Марҳум санъаткор Равшан Солиҳов устози Ҳ.Умаров ҳақида шундай эслайди: “Ҳамза Умаров менинг назаримда санъатга садоқатнинг юксак намунаси эди. У киши ҳар бир ролига катта масъулият билан ёндашарди. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига, сўзига, юз-кўз ифодаларига эътибор бериб, ён дафтарига ёзиб юрарди... У кишининг овозида шира, оҳанг, жаранг бор эди. Менимча, у сўз билан образ ярата оладиган актёр эди. Мен худди

шунақа сўз ва овоз билан образ яратадиган актёрни Шукур Бурхонов сиймосида кўрганман.”[3]

Ҳар бир ижрочи асарни тингловчига гапириб бериш билан чекланмай, уни жонлантириши, бадиий етук шаклда талқин этиши лозим. Аслида ижрочилик санъатининг сеҳр ва қудрати ҳам шундадир. Ёмон талаффуз, овоз ёки маълум иш меъёрига етказилмаган нафас воситаси билан ҳеч қандай асарни бадиий етукликка кўтара олиш мумкин эмас, аксинча, тингловчи нима дейилаётганлигига тушунмай, эшитолмай ва англаёлмай қолади ва хаёли паришон бўлади, демак, ижрочининг меҳнати зое кетади. К.С.Станиславский айтганидек, «яхши актёрда ҳар бир унли ва ундош аниқ эшитилиб туриши керак. Ана шундагина у сўзнинг нима эканлигига тушинади, фақат шундагина у сўзни сева билади».[4]

Устоз санъаткорлар эса чин маънода сўзни сева олганлар. Шу сабаб ҳам улар яратган ҳар бир образ кадрлидир. Бу борадаги нутқ маҳоратининг қай даражада шаклланганлигини образнинг қийматига қараб билишимиз мумкин. Аввало, сахна нутқининг асосий мақсади, адабий материал замирига жойлашган жуда бой ва ранг-баранг теран мазмундорликни, ғояни очиб бериш ва уни бадиий етук шаклда талқин эта билиш, жонли сўз таъсирчанлигини ошириш ва унга эстетик нафосат бағишлай олишни ўргатишга қаратилган. Пьесани томошабин ўқиб чиқиш билан ҳам чекланиши мумкин, лекин у ижрочи талқинида янада чуқурроқ, аниқроқ, ёруғроқ, жозибадор мазмун касб этганлиги учун, уни томоша қилишга, эшитишга ҳам алоҳида вақт ажратади.

Агар бирор актёр топширилган образ нутқидаги бирор парчани ижро этсада, ижрочилик сифати ёмон бўлса, парча, ижрочилик маъносида, бадиий сўзлик сифатини йўқотади. Бироқ бу ҳукм ҳам нисбий характерга эга, чунки адабий парчадаги бадиий сўз ўз кучида қолгани холда, ҳукм ижрочилик аспектидаги бадиий сўзга чиқарилган бўлади. Бу ўринда айбдор адиб эмас, ижрочи бўлиб қолади. Театр санъати, бадиий сўзни энг зарурий таркибий қисм сифатида қабул қилади. Драматургия асаридаги беқиёс маънавий хазиналарни рўёбга чиқаришда бадиий сўз ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Муסיқа эшитиш, чолғу чала олиш, ашула айтиш каби, бадиий ижро этиш истеъдоди ҳам ҳар кимда учрайвермайди. Шунинг учун ҳам бадиий ўқишдаги ҳис-ҳаяжон ва кечинма деганда ҳар қандай ҳис-ҳаяжон ва кечинма эмас (чунки у ҳар кимда бўлиши мумкин, бироқ, ундан ижрочилик асари бадиий тус олавермайди), балки муайян адабий материал мазмунини очишга қодир бўлган ифодаларни зухур эта олувчи муҳсус кечинма назарда тутилади. Биз устоз санъаткорлар ижросига ва ижодий фаолиятига доир маълумотлар ва хотиралар билан танишар эканмиз, сахна нутқи маҳоратига тегишли бўлган юқоридаги каби тушунчаларни, маълум бир қонун-қоидаларни, нутқнинг ўзига хослик жиҳатлари ва хусусиятларини нақадар пухта ва самарали ўзлаштирганликларининг гувоҳи бўламиз.

Буюк немис адиби, файласуфи, театр санъати намояндаси Иоганн Гёте айтгандек, “актёр аниқ ва равшан, дикцияни ўзлаштиришга уриниши керак, зероки емирилган бир ҳарф ёки ноаниқ талаффуз этилган бирор сўз бутун жумлани икки маъноли қилиб қўяди ва томошабинга сингиб бораётган иллюзияни қатъиян бузиб, баъзида, ҳатто энг жиддий пайтларда кулишга мажбур қилади”. Товушларни тўғри талаффуз эта олмаслик, улардан унумли фойдаланмаслик ва сўзга бепарқлик ижрочилик санъатининг ашаддий душманидир.

Узоқ ўтмишдан дарак берувчи асарлар тиклансагина, ёшлар ундан ўзига тегишли бўлган хулосани чиқара олади. Бугунги томошабин енгил-елпи асарларни жуда яхши тушунади ва таҳлил қила олади. Ҳозирги кунда ўсиб келаётган авлодга ўрناк бўладиган, ватан, ота-она, ёрга, оилага меҳр-муҳаббат қандай бўлиши кераклигини намоён қила оладиган асарлар театр репертуарини бойитиши керак. Актёрлар ва режиссёрлар тил бойлиги ва нутқнинг ифодавийлигига катта эътибор қаратиши лозим.

Фойдаланган адабиётлар:

1. А.Олимжон. “Тошкент ҳақиқати” 11 июнь 1957 й.
2. М.Исроилов. “Диалог устида ишлаш”. Тошкент 1995 йил.
3. К.С.Станиславский. Сайланма III-том. “Искусство” Москва 1955 йил
4. И.Пўлатов. “Саҳна нутқи”. Тошкент “Ўқитувчи” 1994 йил

ZAMONAVIY TA'LIMNI TASHKIL ETISHDA ELEKTRON PEDAGOGIKA O'RNI VA AHAMIYATI.

Qurbonova A.T.

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

*13.00.01 - Pedagogika nazariyasi. Pedagogik ta'limotlar tarixi ixtisosligi
mustaqil tadqiqotchisi*

Annotatsiya: Axborot texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlari va uning ijodiy faoliyatga tatbiq etish muhim vazifamiz. Elektron pedagogikaning asosiy maqsadidan biri zamonaviy AKT muhitda o'qitish-ta'lim jarayonini samarali tashkil etishdir.

Kalit so'zlar: axborot texnologiyalar, elektron pedagogika, internet, an'anaviy ta'lim, zamonaviy ta'lim, simulyator.

«O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi PFni, hamda Prezidentimiz tomonidan «Yoshlar manaviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha 5 ta tashabbus» ning ilgari surilishi O'zbekiston Respublikasida ta'lim tizimini keng miqyosda rivojlantirishga turtki bo'ldi[1]. Ta'lim tizimini dunyo standartlari darajasiga yetkazish ushbu islohotlarning muhim vazifalaridan biridir. Jahonda zamonaviy ta'limning harakterli tomoni shundaki ta'limni axborotlashtirish va axboriy jamiyatning ehtiyojini hisobga olgan holda kadrlarni tayyorlash hisoblanadi. Bu O'zbekiston Respublikasi ta'limida ham ro'y

bermoqda, axborotlashtirish sohasidagi davlat siyosati axborot resurslari, axborot texnologiyalari va axborot tizimlarini rivojlantirish hamda takomillashtirishning zamonaviy jahon tamoyillarini hisobga olgan holda milliy axborot tizimini yaratishga qaratilgan. Ushbu holatlar kadrlarni tayyorlash tizimida axborot texnologiyalari fanining alohida o‘rni muhimligini ko‘rsatib beradi.

Elektron pedagogikaning asosiy maqsadi zamonaviy AKT muhitida o‘qitish-ta’lim jarayonini samarali tashkil etishdan iborat. Elektron pedagogikaning predmeti pedagogik tizim hisoblanadi. Pedagogik tizim qo‘yidagi komponentlarni o‘z ichiga oladi: o‘qituvchi, o‘quvchi, ta’limning maqsad va vazifalari, o‘qitish mazmuni, o‘qitish shakli, usul va vositalari. Zamonaviy AKT ushbu barcha komponentlariga o‘zining hissasini qo‘shib kelmoqda.

An’anaviy va zamonaviy AKT muhitida tashkil etilgan ta’limning qiyosiy tahlili[2]

№	An’anaviy ta’lim	Zamonaviy ta’lim
1	Yangi avlodga bilim va tajriba berish	Talabalarning shaxsiy barkamolligini ta’minlash va rivojlantirish
2	Talabalarni hayotga tayyorlash	Qiyinchiliklarsiz yashashga o‘rgatish
3.	Hozirgidan kelgusida yaxshi bo‘lishga tayyorlash	Doimiy o‘zgarish jarayonida yashashga o‘rgatish
4	Ta’lim maqsadi – bilim olish	Ta’lim maqsadi – o‘zini rivojlantirish, barkamollilik
5	Talabalar maqsadini tayyor holda oladilar	O‘zining huquqiy maqsadlarini qo‘yishi va unga erishish yo‘llarini tanlash
6	Talabalar nazorat turlaridan qochadilar	Ob’ektiv va o‘z vaqtda nazoratga intilish
7	O‘quv muassasalari o‘zaro o‘xshash	Har bir o‘quv muassasasi yuksalish sari intiladi.
8	Aniq o‘qituvchi	O‘qituvchi tanlash imkoniyati

O‘quv jarayonida modellardan foydalanish yangi usul emas. Qadim-qadimdan o‘qish-o‘rganish mobaynida modellardan foydalanib kelingan. Simulyatorlar o‘quv jarayoning qariyb barcha jabhalarida: boshlang‘ich ta’limdan boshlab oliy o‘quv yurtlarigacha qo‘llanilishi mumkin. Keyingi vaqtlarda hattoki meditsina sohasida ham simulyatorlardan foydalanilmoqda. Simulyatorlardan foydalanishning asosiy sabablaridan biri ularning real ob’ektlarga nisbatan juda ham arzon alternativa ekanligidadir. Simulyatorlar esa shunday haqiqiy asbob-uskuna va jihozlarsiz virtual holatda biror bir fizik jarayonni modellashtirish hamda virtual laboratoriya ishlarini o‘tkazishga imkoniyat yaratadi. Bu o‘z-o‘zidan nafaqat katta miqdorda mablag‘lar tejallishiga, balki ularga umuman ehtiyoj ham tug‘dirmaydi. Simulyatorlarning qariyb hech qanday moliyaviy mablag‘lar talab etmasligi ma’lum tadqiqotlarni talabalar tomonidan yuzlab, kerak bo‘lsa minglab marotaba qayta-qayta amalga oshirishga imkoniyat yaratadi. Simulyatorlardan foydalanishning yana bir afzallik tomoni ularning xavfsiz ekanligidadir. Ba’zi tadqiqotlarni amalga oshirish inson hayoti uchun xavf tug‘diradi, masalan, yadro fizikasiga oid bo‘lgan hodisalarni o‘rganish. Bunday tadqiqot katta miqdorda

moliyaviy harajat talab etibgina qolmasdan, tadqiqotni olib boruvchilar uchun hayotiga xavf ham tug'diradi[3].

Simulyatorlardan foydalanish jarayonida talabalar ma'ruza vaqtida o'rgangan bilimlarini virtual bo'lsada hayotga tatbiq qiladilar. Ushbu tadqiqotlar jarayonida bilimlarini yanada mustahkamlash bilan bir qatorda nazariya hamda hayotiy tadqiqotlarning rivojlanishiga bevosita hissa qo'shadilar. Bundan tashqari o'sha simulyatorlarning ham yanada rivojlanishiga, yanada haqiqiy hayotiy tadqiqotlarga yaqin natijalar beradigan darajaga chiqarishda o'z hissalarini qo'shishlari mumkin. Bu o'z o'rnida talabalarni faqatgina "tinglovchi" vazifasida qolmasdan, bevosita ilmiy-tadqiqot ishlarida qatnashuvchilarga aylantiradi. Bu esa o'z navbatida talabalarda o'qish va tadqiqotlarga bo'lgan qiziqishlarini yanada ortishiga olib keladi.

Tabiiy fanlar yo'nalishida 2001 yildagi Nobel mukofotining lauriati K. Viman tomonidan «Physics Education Technology» (PhET) sayti yaratilgan. PhET saytida har xil mavzularga oid modellar mavjud bo'lib, ular *Java* va *Macromedia flash* dasturlarida yaratilgan[4].



© 2009 University of Colorado. [Some rights reserved.](#)

PhET dasturining umumiy ko'rinishi.

PhET saytida taqdim etilayotgan modellar Open Source bo'lib, xohlagan foydalanuvchi bepul foydalanishi mumkin. PhET dagi modellar soni 100 dan ortiq bo'lib ular fizika, matematika, kimyo fanlariga oid namoyish tajribalarini o'tkazish, virtual laboratoriya ishlarini tashkillashtirish va modellashtirish imkoniyatiga ega. Bu PhET dasturi O'zbekiston davlat ta'lim standartlariga va o'quv muassasalarida qo'llanilayotgan adabiyotlariga mos keladi.

PhET dasturini <http://phet.colorado.edu> saytidan ko'chirib olishingiz mumkin.

PhET dasturidagi modellardan fizika, matematika, kimyo va biologiya fanlaridan dars mashg'ulotlarida namoyish tajribalari sifatida, virtual laboratoriya mashg'ulotlarini tashkillashtirishda keng foydalanish mumkin. Ular quidagilar:

- fizika faniiga oid 90 dan ortiq modellar mavjud;
- biologiya faniga oid 10 dan ortiq modellar mavjud;

- matematika faniga oid 7 ta model mavjud;
- kimyo faniga oid 20 dan ortiq modellar mavjud.

Dasturda keltirilgan modellarni faqat ingliz tilida emas, balki 50 dan ortiq tilga tarjimalarini topish mumkin, xususan o‘zbek tilida 1 ta model tarjima qilingan. Agar siz dasturda keltirilgan modellarni o‘zbek tiliga tarjima qilishni xohlasangiz, hech qanday qiyinchiliksiz bu niyatingizni amalga oshirishingiz mumkin. Buning uchun dasturning rasmiy saytida “*Translated Sims*” bandi mavjud bo‘lib, u yerga kirib maxsus qaydnomani to‘ldirgan holda tegishli modelni tanlab o‘zbek tiliga tarjima qilishingiz mumkin.

PhET dasturida har xil fanlar kesimidagi modellarning ko‘rinishini quyidagi rasmda ko‘rishingiz mumkin:

PHET dasturining rasmiy <http://phet.colorado.edu> saytining “O‘qituvchilar uchun” bandida har bir model uchun metodik ko‘rsatmalar (virtual laboratoriya ishlari, namoyish tajribalari va boshq.) keltirilgan. O‘qituvchi hech qanday qiyinchiliksiz qidiruv filtri orqali mavzuga oid dars ishlanmasini yoki metodik ko‘rsatmalarni, ta’lim turi kesimida *pdf* yoki *doc* formatlarida ko‘chirib olishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 6-son, 70-modda, 20-son, 354-modda, 23-son, 448-modda, 37-son, 982-modda; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.07.2018-y., 06/18/5483/1594-son)
2. Поляков С.Д. Технологии воспитания. – М.: ВЛАДОС, 2002. – 144 с
3. <http://phet.colorado.edu>

ЎЗБЕК БИР АКТЁР ТЕАТРИ ЖАНРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Дўсанов Р

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият”
кафедраси ўқитувчиси, 2-курс мустақил тадқиқотчи*

Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор ижтимоий ҳаёт ривожига ҳисса қўшадиган, уни мустаҳкамлайдиган, замон билан ҳамнафас, фидойи мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди. Ушбу вазифа нафақат ёшларга таълим-тарбия бераётган устозлар, балки таълим олаётган йигит-қизларнинг ҳам зиммасидадир. Айниқса, театр санъати соҳасида таълим олаётган талабалар ушбу вазифани чуқур ҳис этишларини истардик. Чунки бу соҳада мажбурлаб ўргатиш билан бирор натижага эришиш қийин. Агар биз устозларимиз таъкидлагандай, бири иккинчисини такрорламайдиган, бир бирига ўхшамайдиган, ҳар биримиз ўзгача ижро услубига ва ижод йўлига эга ижодкор бўлишимиз учун қолаверса, ушбу соҳани ривожлантиришимиз учун энг аввало ўзимиз изланишимиз керак. Анъанавий театр тарихига назар ташласак, ўзбекларда “бир актёр театри”

бахшилар кўлига дўмбира олиб халқ қахрамонларини улуғлай бошлаган кундан бери мавжуд эканлигига амин бўламиз. Чунки бахши ўзи шоир, ўзи бастакор, ўзи кўшиқ ижрочиси бўлиб, якка ўзи кечки йиғинни, яъни томошабинларни тонг отгунча “ушлаб” турган. Бу миллий анъанавий “Бир актёр театри” миз қадимий эканлигини асослайди. Биринчидан, якка тартибда олти соат концерт ижро қиладиган артист жаҳон сахнасида бўлмаса керак. Иккинчидан, ғарб якка тартибда шеър тўқиган, унга куй басталаган ва уни кўшиқ қилиб айтган “Бард” ҳар уч, беш дақиқадан кейин мавзуни ўзгартирган, янги кўшиқ айтган. Бахши эса бир мавзуни, воқеалар ривожини ҳамда воқеа иштирокчилари образлари, барчасини якка ўзи яратганлиги билан такрорланмас даражадаги “Бир актёр театри” ҳисобланади [1.Б.315].

Ўзбекистонда бир актёр театри жанри пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида изланар эканмиз, ўзбек бир актёр театри тарихи ўзининг узоқ йиллик бой тарихга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Ҳозирги кунда юртимизда бир актёр театри жанрида ижод қилишни бошлаган, изланаётган ижодкорлар талайгина. Албатта бу ижодкорларнинг ҳар бир ижодий ишларида, ижодий изланишларида эришаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ. Ижодкор ижодий изланишларини бошлар экан санъат соҳалари, уларнинг турлари, театр санъати тарихи, жанрлари ва уларнинг бошқа санъат турларидан фарқи, анъанавий театр санъатининг асослари, таниқли ижодкорлар, актёрлар, режиссёрлар ва уларнинг ижодий фаолиятларини таҳлил қила олиши керак. Ўз соҳасига оид терминларнинг маъносини, сахнавий ҳатти-ҳаракатларни кўллашнинг мақсадини тушуниши лозимдир.

Олий таълим муассасаларида назарий ва амалий билимлар паралел олиб борилади. Маълумки, ҳар-бир соҳани чуқур ўзлаштириш учун аввало у ҳақидаги назарий билимларни ҳам мустаҳкам эгаллаш лозим. Назарий билим ҳаёт ҳодисалари, инсон тажрибаси, амалий фаолият ҳақидаги билимлар йиғилиши, умумлаштирилиши, мантиқий изчил бир системага солиниши натижасида яратилади. Назариянинг асосий вазифаларидан бири кишилар билимини бойитиш ва чуқурлаштириб боришдир. Назария амалий иш тажрибани умумлаштириш асосида ривожланади ва бойийди. У инсон ҳаёти тақозо этган, талаб қилинган масалалар, муаммолар асосида амалиётни ривожлантириш йўллари ва чораларини кўрсатиб беради. Назария амалиёт билан қанчалик чамбарчас боғлиқ бўлса, назария ҳам, амалиёт ҳам шунчалик тараққий этади. Биз ҳам ўз олдимизга ўзбек бир актёр театри жанрини илмий амалий ўрганишни мақсад қилдик. Бу илмий ишимизда ўзбек театр тарихига оид адабиётлар, театршунос олимларимиз томонидан ёзилган кўлөзмалар, ўқув кўлланмалар, дарсликлар, мақолалар асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбек бир актёр театри тарихи шу пайтгача алоҳида ўрганилмаган соҳалардан биридир. Шу билан бирга бу соҳа баҳс ва мунозаларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чунки ушбу жанрга нисбатан ҳар бир ижодкорнинг ўзи қарашлари бор. Бу эса ушбу соҳани ўрганиш муҳимлигини билдиради. Балки шунинг учун ҳам бир актёр театри жанрида ижод қилаётган айрим

тенгдошларимизнинг назарий билимлари ва амалий ижролари тенг ривожланмаслик ҳолатини кузатишимиз мумкин. Улар амалий ижрони бажара олсалар ҳам, назарий жихатдан тушунтириб бера олмайдилар. Бу муаммони бартараф этиш вазифаси шу соҳадаги педагогларимизнинг амалий ва назарий билими ҳамда илмий ва амалий интилишлари билан амалга оширилмоқда.

Ўзбек бир актёр театри жанри ривожланиш босқичлари хусусида сўз юритар эканмиз, XX асрда бу жанр Ўзбекистонда анча оммалашган ва ўзининг муҳлисларга эга бўлган. Бунга шу даврнинг забардаст актёрларидан ҳисобланган Муҳсин Ҳамидовнинг сермахсул ижоди мисол бўла олади. С.Турсунбоев “Муҳсин Ҳамидов бир актёр театри асосчиси” номли китобида “Ҳали ҳеч ким Муҳсин Ҳамидовчалик оммавий, халқчил шаклни топа олгани йўқ, ҳали ҳеч ким бу қадар сиёсий ва бадиий етуклик уйғунлигини таъминлай олгани йўқ ва ниҳоят, ҳали ҳеч ким унинг каби кенг тингловчи–томошабинлар оммасини қамраб олишга муяссар бўлгани йўқ [2.Б.44] дейди.

Актёр сахнада рол ижро қилар экан, бажараётган ҳар бир ҳаракатини маъно моҳиятини тушуниши лозим. Баъзи ҳаракатлар эса маълум бир маънони англатмаса ҳам, бошқа ҳаракатларни, ишораларни бир-бирига боғлайди. Ҳаракатларни назарий жихатдан англаб, амалда сахна маданияти қоидаси билан ижро этилса, актёрнинг ижро талқини, у ижро этаётган қаҳрамонлар характери мукамал чиқади. Биз фақат дарс машғулотларида ижодий изланиш билан чегараланиб қолмасдан, бўш вақтларда мустақил таълим олиш мақсадида кўпроқ театр санъатига оид ўқув адабиётларни, илмий мақолаларни ўқиб, республикамиз ҳамда жаҳон миқёсида бу соҳада олиб борилаётган ишлар, кўрик-танловлар ва фестиваллар хақидаги маълумотлар, эришилаётган ютуқлар билан танишиб боришимиз ва йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қила олишимиз керак. Ўзбек ва жаҳон театр санъати тараққиёт босқичларини ўрганиш, пьеса ва ролнинг таҳлил услубини яхши тушуниш, спектаклда бадиий образ яратиш, сахна санъатининг асосий бўғинидир. “Қўлингдан келса, замондан илгарироқ юр, агар қўлингдан келмаса, замон билан баробар қадам ташла, аммо ҳеч қачон замондан орқада қолма,” деган ибратли ибора бежизга айтилмаган. Замон талабидаги биз ёшлар буни ўзимизга шиор қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ бўларди. Актёр, режиссёр бир актёр театри спектакли ижро этса ёки сахналаштиради ҳар томонлама чархланади. Бор имкониятидан зарур бўлганда шу пайтгача очилмаган қирраларини ҳам очишга мажбур бўлади. Юртимизда бир актёр театри жанри ҳақида илмий ижодий изланишлар олиб бориш, яна бир жихатдан санъат олийгоҳида етишиб келаётган бўлажак актёрлардан актёрлик соҳасидаги мутахассислик фанлари ҳисобланадиган актёрлик маҳорати, сахна ҳаракати ва жанги, пластика, патомима, рақс, сахна нутқи, вокал ва бошқа дарсларга ҳам мунтазам равишда иштиёқ билан қатнашиши, ўз устида яна кўпроқ ишлаш қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушуниб олишида муҳим омил вазифасини бажариши ҳам мумкин. Агар айтилаётган сўз хатти-ҳаракат орқали ижро этилса, актёр сахнада ўзи ижро этаётган қаҳрамонларнинг психофизик ҳолатини ҳар қандай ёшдаги томошабинга

тўлалигича етказиши мумкин. Актёрлик санъатининг ушбу элементи, айниқса, бир актёр театри спектакларида катта аҳамиятга эга. Бундай маҳорат эса, бўлажак актёрларда юқорида санаб ўтилган фанлар орқали шаклланади. Ушбу жанр ижодкори энг аввало ушбу фанларни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Шунингдек, актёр энг содда ҳаракатни, ҳам, жисмоний топшириқни ҳам фаол ва иштиёқ билан бажаришга ўрганиши зарур. Актёр бадий асарнинг ғоявий эстетик тамойилини актёрлик маҳорати ва ўзига хос услуби билан очиб бериш маҳоратига эга бўлиши лозим. Бадий образлар мазмунини очиш ва уларни сахнада гавдалантириш, асар қаҳрамонлари характерини ўрганиш, ижодий вазифаларни ҳал этишда уларнинг бирлигига эришиш, бадий ижодда ижро санъати хусусияти, бир актёр театри жанрида шакл ва услуб соҳасида замонавий ифодавий воситаларни билиши ва фойдалана олиши, овоз, пластика, хатти-ҳаракат устида ишлаш, пластик ифодавийлик, спектаклда образларнинг композицион яхлитлигини таъминлашга эга бўлиши лозимлиги бир актёр театри спектакларида муҳим омилдир. Бир актёр театри спектакларида актёр бир вақтда бир нечта персонажларни ижро этишига тўғри келади. Актёр сахнада бир персонаждан иккинчи бошқа персонаж характерига ўтишида ҳар хил қаҳрамонлар характерини бир бирига ўхшамаган ҳолда ижро этиб, ўзи ҳам ҳар хил қиёфада тобланади. Бир актёр театри актёри ҳар бир қаҳрамонларнинг характерини ғоявий эстетик тамойилини ўз услубида, актёрлик маҳорати ва усуллари билан очиб бериш маҳоратига эга бўлиши актёрнинг ўзига хослигини кўрсатади. Ўзбек театр санъати ривожини учун юқори малакали ва рақобатбардош, ушбу соҳани ҳам амалий, ҳам назарий мукамал ўзлаштирган кадрлар етишиб чиқиши, Ўзбек бир актёр театри жанрининг ривожини билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирда бу жанр ривожини биров оқсаётгандай. Ваҳоланки, бу жанрга талаб кучли. Айни пайтда катта жамоа билан намойиш этиладиган театр томошаларига қараганда, кичик жамоаларга талаб юқори. Бир актёр театрини айни замон талаби дейишимиз ҳам ўринли деб ўйлаймиз. Юртимизда бир актёр театри жанрида ижод қилаётган ва илмий изланишлар олиб бораётган ижодкорлар пойтахт ва вилоят театрларида ҳам бор, лекин бу жанр ижодкорлари санокли. Шу боис бу соҳага амалий ва илмий изланувчилар зарур деб ўйлаймиз. Юртимизда республика ва халқаро миқёсида Бир актёр театри жанри асосидаги театр фестиваллари ҳам ташкил этилса, бу жанр ривожига асосий омил бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Театр санъати бўйича мутахассислик фанларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириш билан, номоддий маданий меросимиз бўлган театр санъатини тарғиб қилишга, ушбу соҳа ривожига ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Умаров. “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи” Тош. “Янги аср авлоди” 2009 й. 315-бет.
2. С.Турсунбоев. “Муҳсин Ҳамидов бир актёр театри асосчиси” Тошкент - 2010 йил. “Фан ва технологиялар Марказининг босмаҳонаси” 44-бет.

ЁШЛАРДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Давлатов О.Ғ.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Педагогика ва психология” кафедраси доцент вазифасини бажарувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Хайдаров С.А.

"Ашула ва рақс" мутахассислиги

1 курс магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада—Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналишида баён этилган фикрларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар ва тушунчалар: ёшлар, ахборот, ахборот маданияти, ахборот хавфсизлиги, интернет.

Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларини чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда.

Бу борада, давлатимизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб бораётган сиёсати бугунги кунгача давом этаётганлигини амалда қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар деб номланган бешинчи устувор йўналишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, бунда ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, уларда интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган[1,27].

Албатта, глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади. Яъни у жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий, ҳам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода

техник-технологик соҳада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар қулай шароитга эга бўладилар. Мана шу устунлик туфайли улар ўз шахсий манфаатларига мос келувчи кадриятларни, нуқтаи-назарларни, ғояларни, фикрларни илгари суришлари мумкин ва сурмоқдалар ҳам. Шунга кўра, кўпгина давлатларда глобаллашувга қарши ҳаракатлар юзага келмоқда, улар ягона жаҳон уйғунлашган ахборот майдонини тузишни рад этмоқдалар. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, глобаллашувга қарши ҳаракатнинг ўзи тобора глобал ҳаракат тусини олмоқда. Бу каби ҳолатлар ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш кераклигини долзарблигини англатади.

Юқоридаги ҳужжатда келтириб ўтилган биргина сўз эътиборни тортади! “Ахборот хавфсизлиги” – бу сўзнинг мазмун-моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Бизнингча, ахборот хавфсизлиги бутун инсоният учун глобал аҳамиятга эга бўлган, унинг объектив, амалий таърифини шакллантиришнинг ҳаётий зарурат эканлиги билан тавсифланувчи замонавий жамиятнинг ноёб ҳодисасидир.

Мутахассисларнинг қайд этишича, ахборот хавфсизлиги муаммосини ёритиб беришнинг мураккаблиги ҳозирги вақтга мазкур тушунчанинг умумжамоатчилик томонидан қабул қилинган изоҳининг мавжуд эмаслиги, фан соҳаси билан боғлиқликда баён этилиши билан боғлиқ. Ана шу сабабли “хавфсизлик”нинг объектсиз мавжуд бўлмаслигини аниқлаб олиш зарур. А.А.Стрельцов таъкидлаб ўтганидек, “аниқ объектсиз” ”хавфсизлик” тушунчаси мавҳум характер касб этади, у ўзининг ички моҳиятини йўқотади”[2,12].

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги мураккаб ҳодиса сифатида мазкур тушунчани изоҳлашни қийинлаштирувчи бир нечта асосларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Ахборот хавфсизлиги – жамият ривожининг объектив шарт-шароитлари билан боғлиқ объектив ҳодиса. Унинг шаклланиши жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан боғлиқликда юзага келади.

2. “Ахборот хавфсизлиги” тушунчасини таърифлашдаги мураккабликлар, бизнингча, унинг турли–техник, ҳуқуқий, психологик, педагогик, ижтимоий жиҳатлар билан алоқадорликда тадқиқ этилиши билан боғлиқ. Албатта, олимлар ўзининг илмий фаолияти соҳаси билан боғлиқликда мазкур тушунчага турли-туман таъриф беришади. Бу эса, “ахборот хавфсизлиги” атамасига ягона бир таърифни шакллантиришда қатор қийинчиликларни юзага келтиради.

Социологик-психологик адабиётларда “ахборот психологик хавфсизлик” атамасини қўллаш анъанага айланган.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари илмий асослангандир. Бу ерда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифалар, турли таҳдидларга қарши кураш усулларини назарий жиҳатдан ўрганилиши ва таҳлил этиб борилиши зарур. Зотан, жамиятни бошқариш сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-

психологик йўллар орқали амалга оширилади. Буларнинг негизида аввало инфор­мацион бошқариш мавжуддир.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг маънавий-маърифий аспекти, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ОАВ ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилиш ахборот-психологик хавфсизлигининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ахборот-психологик хавфсизлик – давлат, жамият ва шахсга зиён етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки қасддан қилинган ахборий таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган муҳим саъй-ҳаракатдир. Мутахассислар фикрича бу қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш; ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш, унинг ОАВда чиқиб кетиши, ўғирланиши ва йўқолишининг олдини олиш; ахборотни бузиб кўрсатиш ва сохталаштиришнинг олдини олиш.

Демак, бугунги глобаллашган маконда ахборот хавфсизлигини таъминлаш–ахборот соҳасига зиён етказилишининг олдини олишга хизмат қилади. Бу жараёнда ёвуз ниятли кишиларнинг кирдикорларига қарши кураш билан бир қаторда турли даражада келтирилиши мумкин бўлган зарарларнинг ҳам олди олиниши табиий.

“Ахборот хавфсизлиги” тушунчасининг асосий мазмуни ахборот хавфсизлигини таъминлаш, инфор­мацион маконда ўзаро биргаликда ҳаракатланаётган субъектларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш, хавфсиз ахборот муҳитини шакллантириш воситасида талабаларнинг ахборот олиш эҳтиёжини қондиришда ўз ифодасини топади.

Адабиётлар таҳлили асосида ахборот хавфсизлиги – ахборотлашган жамият билан уйғун ривожланишга ёрдам беришга йўналтирилган замонавий социумнинг объектив тараққий этиши билан боғлиқ мураккаб ҳодиса эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг аввало, ахборот технологияларини қўллаш билан боғлиқликда юзага келадиган салбий таъсирларни ўрганиш, ёшларни мазкур салбий таъсирлардан ўз-ўзини ва жамият аъзоларини ҳимоя қилиш, юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишга тайёрлашни талаб этади.

Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да баён этилган ҳар битта сўзнинг мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш, керак бўлса белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда бевосита ёшларни бу фаолиятга жалб этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар

стратегияси асосида жадал тараққийёт ва янгилашиш сари. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б.

2. Стрельцов А.А. Содержание понятия «Обеспечение информационной безопасности» // Информационное общество. – 2001. – № 4. – С. 12.

3. Раимов Ш.У. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – миллий хавфсизлик стратегиясининг энг муҳим йўналиши. / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.

РАЗВИТИЕ МИРОВОГО ТЕЛЕВИЗИОННОГО РЫНКА

Кдырниязова О.

*преподаватель кафедры «Искусство техногена и драматургии»
Нукусского филиала Государственного института искусств
и культуры Узбекистана,*

Аннотация: В статье рассматривается активное развитие телевизионной техники, давно заменившее в развитых странах мира телевизоры на современные тонкие панели, которые могут быть плазменными, проекционными или на жидких кристаллах.

Ключевые слова: телевидение, тренд, телесигнал, контент, ТВ-бренд, Интернет.

Структура мировой медиасистемы меняется под влиянием развития технологических и социальных процессов. Одному из самых влиятельных составляющих медиапространства - телевидению - многие специалисты медиаиндустрии прогнозировали быстрое вытеснение с рынка и замену на более прогрессивные ТВ. Однако, последние исследования показывают, что эволюционные процессы в телевизионном пространстве превратили телевидение в один из секторов бизнеса, который растет и не потерял доверия рекламодателей. Расширяется понимание определения самого термина «телевидение». Активное обсуждение в профессиональном кругу этого вопроса показало, что под понятием «телевидение» нужно понимать весь видеоконтент различных форматов, на разных платформах и оборудованиём. Итак, особую актуальность приобретает исследование современных телевизионных трендов, влияющих на развитие рынка в целом [1].

Активное развитие телевизионной техники давно заменило в развитых странах мира телевизоры на современные тонкие панели, которые могут быть плазменными, проекционными или на жидких кристаллах. Технологические возможности таких телевизоров уже не ограничиваются «стандартным расширением», а имеют HD-панели, или новейшие 3D-телевизоры и Connected TV. Современные модели телевизоров оказывают такое функциональное обеспечение, как HD-качество, наличие USB-входов,

smart-функции. Именно наличие smart телевизора играет важную роль в развитии потребления «видео по запросу».

Не менее важную роль в развитии мирового телесмотрения играет способ приема телесигнала, что открывает возможности принципиально иного телепотребления, предоставляя различные интерактивные сервисы, в частности, ТВ-пауза, ТВ-гид, запись эфира, Catch up, VOD, интеграция с интернет-средой и тому подобное. Наиболее распространенными в мире технологиями доставки телесигнала являются: аналоговая эфирная, цифровая эфирная, аналоговая кабельная, цифровая кабельная, спутниковая, гибридная (цифровой кабель и Интернет), IPTV, OTT.

Развитие инноваций позволило дополнить парк традиционного видеооборудования домохозяйств новейшими медийными устройствами: мобильными телефонами, смартфонами, ноутбуками, планшетами, - которые, имеют подключение к сети Интернет, обеспечивают увеличение процента телесмотрения благодаря новым медиа, социальным сетям, онлайн-видеосервисам и другим цифровым медиауслугам.

Расширение спектра ТВ и его многофункциональности позволяет говорить о формировании линейных и нелинейных способов потребления ТВ-контента.

Однако, несмотря на динамику роста нелинейного просмотра, прогнозируется, что линейное телевидение в течение ближайших четырех лет не потеряет своей актуальности на мировом медиарынке.

Другой тенденцией, которая влияет на дальнейшее развитие телевидения, является фрагментация каналов и операторов и, соответственно, аудитории. Увеличение количества тематических каналов способствует усилению дифференциации медиапродуктов, что меняет коммуникативное поведение потенциального зрителя и приводит к перераспределению совокупной телевизионной аудитории.

Глобальной тенденцией остается синергия ТВ и интернет-платформ. Так, с одной стороны, ТВ переходит в Интернет-вещание, а с другой - в Интернете увеличивается сегмент онлайн-видео. Вместо прогнозируемого вытеснения Интернетом традиционного телевидения происходит их взаимодополнения и формирования нового рынка - OTT (Over-The-Top).

Итак, телевизионная аудитория готова тратить больше за платное ТВ, видео в Интернете.

В этом контексте привлекают внимание два обстоятельства. С одной стороны, интеграция ТВ и интернет просмотра способствует все большей фрагментации нелинейной аудитории как с контентом, так и по способу просмотра (ноутбук, планшет, смартфон и т.д.). С другой стороны, в Интернете можно смотреть как линейное вещание телеканалов, так и телевизионный контент «по запросу».

Несмотря на процессы интеграции различных ТВ и дальнейшей фрагментации аудитории, медиаконтент остается почти неизменным.

Результаты социологических опросов свидетельствуют, что фаворитом массовой аудитории остается развлекательная составляющая.

Лидерскую позицию занимают сериалы и фильмы, развлекательные и музыкальные шоу. Немного меньший процент имеют спортивные программы и новости, но этот сегмент наиболее популярен среди старшего поколения. Молодежь предпочитает короткие видеоролики.

Одной из тенденций в сфере реалити-шоу становится появление нестандартных форматов вроде «конкурс» и новых видов формата категории «знакомства и свидания».

В условиях стремления потребителя к получению информации о продуктах с помощью интересного контента тенденцией следующих лет станет рост глобального рынка Brand Content в Интернете.

Крупнейшие телевизионные сети, каналы и программы, стремясь укрепить свои позиции на рынке, будут развивать собственные бренды. По мнению специалистов-практиков, ближайшее будущее телевизионного рынка будут определять пять трендов: 1) укрепление продюсерских брендов; 2) рост важности ТВ-мастер-брендов; 3) развитие ТВ-брендами собственной индивидуальности; 4) персонализация изменит отношения между телевизионными брендами и их аудиторией; 5) все видеоконтент будут продолжать называть телевидением.

Рассмотренные выше тенденции в новейших технологиях Тв, фрагментации аудитории и контента влияют на развитие исследования аудитории. Принципиально важным становится универсальный подход к изучению аудитории - АТАWAD (Any Time, Any Where, Any Device): в любое время, в любом месте, любым устройством.

На сегодняшний день для измерения телевизионной аудитории большинство стран мира применяет пиплметрическую методику, которая с развитием диджитал технологий адаптируется к трансформациям ТВ-рынка.

Однако, инновации коммуникативных средств, изменение медиаландшафт требуют от исследователей немедленного нахождения новых, более точных методик аудиторных измерений.

Новыми направлениями исследования телевизионной аудитории становятся средства фиксации телесмотра, технологии RPD / Census Data, гибридные измерения, ТВ-панели и single source (viewer centric) измерения, методах распознавания телевизионного контента и рекламы, интеграция метрик телевидения и Интернета [2].

Выводы. Постоянный процесс совершенствования технического оснащения домохозяйств, социальные изменения, в частности, трансформация образа жизни потребителей ТВ-контента, обуславливают направления развития телевизионного рынка. Одной из главных мировых тенденций становится дальнейшая фрагментация аудитории, вызванной, прежде всего, прогрессом в цифровых технологиях. Потребитель все чаще предпочитает нелинейное потребление ТВ-контента. Вместе с тем,

увеличение доли Интернета в ТВ-просмотрах не только не вытеснило традиционное телевидение с медиарынка, а наоборот, привело к их интеграции, взаимодополнения, что позволяет говорить о формировании нового рынка - ОТТ.

Несмотря на непрерывный прогресс медиатехнологий, зритель демонстрирует неизменность своих телевизионных вкусов и отдает предпочтение развлекательному контенту. Поэтому основные тенденции в развитии контента формируются именно в этом направлении. Создаются новые форматы различных развлекательных шоу. Среди производителей телевизионного контента приобретает актуальность тенденция укрепления собственных брендов. Эволюционные процессы в медиасистеме обуславливают постоянную модернизацию методического аппарата исследования аудитории и медиапотребления. Создаются новые инструменты сбора, обработки и хранения данных.

Изучение современного состояния и мировых тенденций телевизионного рынка в контексте развития технологических новаций является перспективным научным направлением, результаты исследования которого будут полезными как телевизионным компаниям, так и органам власти для формирования государственной политики в области телевидения.

Список литературы:

1. Каменская М. Современные тенденции развития телевизионного рынка // Телеспутник. – 2011.
2. Назаров М. М. Измерения аудитории ТВ: вызовы и инициативы – 2014.

ВОСПИТАНИЕ КУЛЬТУРЫ ТВОРЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ АКТЁРА- КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ЕГО МАСТЕРСТВА

Кошелева А.Ф.,

Доцент, кандидат педагогических наук

Имомова Д.

Магистрант 1-го курса

5A150301– Актёрское искусство эстрады

Государственного института искусств и культуры Узбекистана

Аннотация: В статье рассмотрены подходы к воспитанию творческой личности актёра с использованием таких составляющих, как: мировоззрение, знание жизни, умение быстро откликаться на возникшие эмоции, умение наблюдать проявление человеческих чувств и событий, способность копировать наблюдения и использовать их в актёрской деятельности. Подчёркнута роль педагога в становлении творческой личности актёра.

Ключевые слова: Культура творческой личности, актёрское мастерство, практическая деятельность, художественный образ, психология творчества.

Культура творческой личности. Понятие это многомерное и многообъёмное, ведь в него входят два таких ёмких слова, как культура и творчество. Изучая каждое из этих сложнейших понятий, мы всегда используем и третье - мировоззрение.

Связь творчества и мировоззрения проявляется во все моменты деятельности актёра, и если талант человека с позиций актёрского мастерства, велик, то проявление наличия или отсутствия в нём мировоззренческих идей весьма ощутимы.

Выдающийся театральный режиссёр известный как талантливый педагог, Б.Е.Захава точно и наоборот сказал «... мировоззрение и творчество в искусстве нерасторжимы. Высокое мастерство может родиться и вырасти только на почве высоких идей»[1].

Известно, что любые виды искусства в том числе - и актёрское основаны на психологии, поэтому актёрское мастерство и психология так тесно взаимосвязаны и взаимообусловлены. По своей истинной сути искусство в своей художественной реализации есть не что иное как практическая деятельность. Лишь средствами актёрского искусства можно передать тончайшие нюансы переживаний героев, которых мы, зрители воспринимаем или не воспринимаем. И это зависит от того, насколько глубоко актёр проникает в душу воплощаемого им образа.

Психология творчества – проблема многогранная и неисчерпаемая, хотя к ней не раз обращались видные психологи, актёры, режиссёры, педагоги. Именно перед педагогами стоит важнейшая задача воспитать незаурядную актёрскую личность, раскрыть в ней то уникальное, неповторимое, что заложено самой природой, вдохновением, талантом.

Что наполняет личность актёра, что его вдохновляет? Не будет преувеличением утверждать, что его наполняет совокупность различных познаний в различных областях, то есть что мы определяем, как его потенциал, когнитивный багаж. Современному актёру необходимы знания жизни, умения наблюдать проявление человеческих чувств, эмоций, быстро откликаться на эмоции тех, кто находится рядом, также важны и знания основ современного сценического искусства, психологии. Особое место в этом багаже на наш взгляд, занимает способность «копить» наблюдения, черпая из них вдохновение, стимулирующая творческую деятельность.

Все вышеперечисленные составляющие и являются важнейшими компонентами объёмного понятия «культура творческой личности». И формировать такую личность под силу только педагогам с высокими профессиональными умениями и познаниями, подкрепленными твёрдыми морально-нравственными устоями и высокой духовностью.

Творчество - сложный процесс, но ведь есть очевиднейший его результат- искусство, тесно связанное с эстетическим восприятием жизни, действительности. Ведь и само понятие «образ» - одно из важнейших в актёрской деятельности относится к категориям эстетики.

А.Ф.Лосев, великий русский философ, дал одно из наиболее ёмких и точных определений эстетического: «эстетическое есть выражение той или иной предметности, данной как самодовлеющая созерцательная ценность»[2].

Привитие тонкого эстетического вкуса, многомерного восприятия жизни- залог прекрасного владения своим мастерством в создании художественных образов. Постигание этих истин возможно лишь при условии гармоничной работы мастера и ученика.

В настоящее время в обществе все больше утверждается мысль о том, что образование из способа просвещения индивида должно превратиться в механизм развития творческой личности, её индивидуальных способностей и дарований.

Для того, чтобы стать конкурентоспособной личностью, современный рынок труда предъявляет высокие требования как к профессиональным знаниям, так и общей гуманитарной подготовке выпускников подготовке выпускников учебных заведений психолого-педагогического профиля. Достижение этой цели невозможно без педагогов, обладающих творческой индивидуальностью.

Ещё С.И Гессен ставил актуальную и в наши дни проблему взаимоотношения образования и культуры. Необходимым условием этой связи является взаимопроникновение образования в культуру и, наоборот, культуры, оно влияет на её сохранение и развитие. Образовательный процесс обеспечивает познание мира, развивает личность в её индивидуальности, неповторимом своеобразии, даёт возможность осваивать всё богатство мировой культуры.

Список литературы:

1. Захава Б.Е. «Мастерство актёра и режиссёра» И.: РАТИ- ГИТИС,2008, с.24
2. Лосев А.Ф. Две необходимые предпосылки для построения истории эстетики до возникновения эстетики как самостоятельной дисциплины “А.Ф. Лосев” эстетика и жизнь.- Вып.6,-М. : 1979, с.223

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА

Абдужаббарова М.Л.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
”Педагогика ва психология” кафедраси мудири, пед.ф.н., доцент.*

Қурбонова Н.Р.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
”Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси,
мустақил изланувчи.*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшлар тарбияси билан боғлиқ мафкуравий профилактика масаласи ёритилган. Мафкуравий профилактиканинг оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ўтказилиши, турли тадбирларнинг натижалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ёшлар тарбиясидаги ўзгаришлар бевосита мамлакат келажагига таъсири билан боғлиқдир.

Калит сўзлар: Ёшлар, мафкуравий профилактика, оила, маҳалла, таълим муассасаси.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуи, яъни таълим-тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактиканинг асоси ғоявий-мафкуравий тарбия бўлиб, жамоат ташкилотлари, ижтимоий институтлар каби таълим муассасаларида ҳам катта эътибор талаб қилади. Чунки ёшларнинг аксарияти куннинг 5-8 соат вақтини таълим тизимига тегишли бўлган муассасаларида ўтказадилар. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида “вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда унинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар олиши учун жавобгардир”, - деб белгилаб қўйилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Халқимизда таълим ва тарбия бешиқдан бошланади”, деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим”[2]. Шу боис, 2017 йил 30 сентябрда Республикада Мактабгача таълим Вазирлиги ташкил этилди[3]. Бу тизимга эътибор камайгани туфайли болалар боғчалари Республикадаги мактабгача ёшдаги болаларни атига 34 фоизини қамраб олган[4], холос. Мафкуравий профилактика ўрта мактабдан эмас, балки боғча ёшидан бошланиши лозим. Бу ўринда ҳар бир ота-она ўз фарзандининг мактабгача тарбияси, унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим-тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етишишига эришиш зарур. Бунда оиланинг мактабгача таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришишни назарда тутиш керак. Бу даврдаги барча таълим-тарбия муассасалари болалардаги умумий саводхонлик ва мактабдаги таълим-тарбияга тайёрлаш жараёнининг муҳим ва зарурий босқичи сифатида қаралиши лозим.

Бугунги кунда фан кўпгина илмий исботлар билан шу нарсага гувоҳлик берадики, агар болалар илк ёшлик даврданоқ жамиятнинг бугунги тараққиёт даражасидан четда ривожланса, улар ҳайвон, ибтидоий инсонлар тафаккури

даражасидаги савияда қолади. Уларда нафақат нутқ ва фикрлаш ривожланмасдан қолади, балки уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам инсон қиёфасини эслатмайди, ҳатто улар вертикал юриш хусусиятига ҳам эга бўлмаслигини айтиш кифоя. Бироқ моҳияти жиҳатидан аксинча бўлган тасодифлар ҳам мавжуд. Болалар боғчасида мафкуравий профилактика бевосита ота-она ва тарбиячи билан бирга ишлаш орқали амалга оширилади. Болаларнинг оила, мактабгача тарбия муассасаларида бадий дунёқарашининг шаклланиши, шу боланинг келажакда етук шахс сифатида вояга етишида катта тарбиявий аҳамиятга эга. Сабаби, болаликдаги илк таассуротлар хотирада умрбод сақланади.

Маълумки, мактабларда ғоявий-мафкуравий тарбияга доир алоҳида фанлар (педагогика) ўтилмайди. Шу боис мафкуравий профилактика масаласида кўпроқ ўқитувчининг ўзи ёки таълим муассаса раҳбарияти шуғулланишга мажбур бўлади. 2018 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди[5]. Унда, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш масалалари ёритилган. Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

-биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

-иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

-учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғарақлари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун бир қатор ишларни амалга ошириш лозим. Бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида барча ўқув қўлланмалари ва дарсликлар қўшимча адабиётларда куйидаги омиллар устуворлиги таъкидланади:

- ватан ва миллий ифтихор туйғусини шакллантириш;

- оиланинг ватанпарварлик хиссини тарбиялаш ролини кўрсатиш;
- маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш;
- умуминсоний кадрларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш;
- диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини англатиш;
- маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботлаш;
- тарихнинг, мафкуранинг фалсафий асосини яратишдаги аҳамиятини очиб бериш;
- ҳуқуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим омили экани тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш.

Бу ишлар ижтимоий-гуманитар фанларнинг маъно-мазмуни ва уларни ўқитиш технологияларини такомиллаштиришни, ёшларни мустақил фикрли бўлишга, ижобий ўзгаришларга бефарқ бўлмаган, чуқур билимларга интилиб яшашга ўргатишни тақозо этади. Таълим жараёнида ижтимоий тренинг машғулотларининг миллий минталитетга мос шаклларида самарали фойдаланиш тарихий ва маданий меросни чуқур ўрганиш билан бир қаторда, илғор, замонавий билимлар эгаси бўлишга интилишнинг ошишига туртки бўлади. Таълим муассасаларида яратилган ўқув қўлланмаларидан тортиб, синфлар ва аудиторияларгача барчасини мафкуравий таълим берувчи ижтимоий рекламалар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқдир. Ёшлардаги соғлом дунёқараш ва илмга иштиёқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳомийлик ва васийлик ташкилотлари имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳамда шу орқали жамият кенг қатламлари вакиллари таълим-тарбияни такомиллаштиришига сафарбар этиш зарур. Дунёвий илмларни мукамал билиш даҳрийлик белгиси эмаслигини ҳар бир ёш теран англаб етиши муқаддас ислом динимизнинг имон-эътиқодга, инсоф-диёнатга чорловчи кучни янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент: Шарқ, 1997. - – Б. 80
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // “Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги” / www.uza.uz.
3. “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли қарори // www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // “Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги” / www.uza.uz.
5. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3907-сон сонли Қарори // www.lex.uz.

МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ИЛК ПЕДАГОГИК КЎНИКМА ВА ЁНДАШУВЛАР

Абдуназаров З.,

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Театр санъати ва халқ ижодиёти”*

кафедраси ўқитувчиси

“Санъат – мўжизадир. Юрак ва миянинг шундай хилват жойлари борки, унга фақат санъат воситасидагина кириш мумкин”.

Ибн Сино

Санъат жуда қадимий тарихга эга. У жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни билан, кишилар ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган.

Санъат одамларнинг ҳис–туйғуларини, тафаккурини мавҳум тарзда эмас, балки жонли бадиий қиёфаларда акс эттиради, чунки у ўзига ҳос ҳис–туйғулар ҳазинасидир. Санъат бадиий қиёфа образи воситасида тўла намоён бўлади. Бадиий қиёфа санъаткор ўзлаштириб олган ташқи дунё билан унинг ички дунёси бирлигида кўринади. Истеъдодли актёрлар ҳаққоний ҳаёт манзарасини яратиб, ўз ҳис–туйғулари ва кечинмалари билан завқлантириб ўзлигини тўла намоён қила олиши мумкин. Санъаткорнинг ички кечинмалари билан суғорилган бадиий қиёфага ҳеч нарса тенг кела олмайди. Санъат воқеликни образли акс эттирувчи шаклидир. Бадиий қиёфа мазмуни унинг шакли яратилиш жараёнида ўзгариб кетиши баъзан уни қайта мушоҳада қилиш содир бўлиши мумкин. Санъатда бадиий қиёфа унинг мазмуни ва шакли тушунчалари орқали ёрқинроқ англашилади. Санъатнинг мазмуни ва шакл бир–бирини изоҳлайди. Шакл муайян бир мазмунни ифодаласа, мазмун ҳам муайян шаклда намоён бўлади В.Г.Белинский айтганидек: “Ҳар қандай санъатнинг мазмуни воқеликдир, бинобарин у худди воқеликнинг ўзидек туганмасдир”[1], демакки, унинг воқелик сингари ранг–баранг ва турли–туман бўлиши табиийдир. Чунки уларнинг ҳар бири алоҳида санъат турига муносибдир. Санъат турлари эса бир–биридан доимо фарқланиб туради. Масалан, мусиқада товуш, тасвирий санъатда ранг ва чизиги, адабиётда сўз, мусиқа эшитиш воситасида, кинофилм ва спектаклни эса айни вақтда ҳам эшитиш ҳам кўриш йўли билан идрок этилади. Бундан ташқари санъат турларга бўлиниши сабаб улардан воқеликни бадиий акс эттириш усули ва воситаларининг ҳар хиллиги идрок этиш усули ва бадиий образ яратишда фойдаланилган материалларнинг ранг–баранглигидадир, шунингдек ҳар бир санъатнинг ўзига хос образлар тизими ифода воситалари бор. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш жараёнида санъат алоҳида ўрин тутади. Шунингдек санъат инсон маънавий дунёқарашини кенгайтирувчи, уни шахс сифатида тарбияловчи

воситалардан биридир. Санъат инсониятнинг эзгулик томон ҳаракати учун зарур бўлган ўзаро мулоқотлар воситаси бўлиб турли қитъалар ва давлатларни ўзаро боғлайди. Биз бўлажак санъат кишиларини тарбияловчи педагог сифатида талабаларимизга, энг аввало, миллий меросимиз ва унинг нечоғлик қимматга эга эканлигини англантишимиз зарур. Уларга англатьмоқ учун эса ўзимиз яхши англаб етган бўлишимиз керак.

Театр санъати ўзининг жонли таъсир кучи билан ажралиб туради. Театр томошабин учун ҳам тарбия маскани, ҳам эстетик завқ улашувчи томошахонадир. Унда бугунги инсоният ҳаётидаги миллий ва умуминсоний ғоялар, кундалик турмушимизнинг долзарб муаммо ва ҳақиқатлари акс этади. Театрнинг бугунги кундаги аҳамиятини театр эшигидан кириб келган санъат ихлосмандининг кўнглидаги ҳаяжоню, театр эшигидан чиқиб кетаётган томошабиннинг илиқ таассуроти билан ўлчаш мумкин. Театр – маънавият кўзгуси[3]. Маданиятнинг узвий қисми бўлган театр чинакам тарбия ўчоғидир. Унда аввало, миллат тақдири, инсон ҳаёти, юрт қайғуси ва шодлиги ўз аксини топади. Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, бу мақсадга эришишда театр санъатининг ўрни алоҳида. Ҳар бир соҳада бўлгани каби, театр санъати соҳасида хусусан, “Муסיқали театр актёрлиги” талабалари билан ишлаш бир мунча бошқа йўналишларга қараганда мураккаброқ жараён бўлади. Негаки мусиқали драма ўзига хос жанр бўлиб, у сахна юзини кўришида драматург, шоир, бастакор, чолғучилар, раққосалар ва кўплаб бошқа санъаткорлар иштирок этади. Театрлар орасида бугунги кунда мусиқали драма театрининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Сабаби, бу театрда сахналаштирилган асарларда айнан асар бадиияти нафақат сўз ва ҳатти-ҳаракатга, балки мусиқа ва арияларга қурилади. Бу томошабин учун шубҳасиз илиқ таъсир қилади. Мусиқали спектаклда актёрлик ижодининг кўп дақиқалари мусиқа билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Ўзбек мусиқали драма театрларининг бошқа театрлардан фарқи шундаки, драматург яратган асарга мос тарзда, шу асарнинг воқеалари ва актёрларининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бастакор ўз ижод намунасини ноталар орқали баён этади. Мусиқани тинглаш ва унга сингдирилган туйғулар мантиқини ўзининг сахна ҳаракатига айлантира билиш қобилияти мусиқали театр актёри ижодидаги ўзига хос хусусиятлардан биридир. Шундай экан, айнан “Мусиқали театр актёрларлиги” йўналиши талабаларини ўқитиш жараёнида уларга аввало ушбу соҳа ва унинг тарихий илдизлари ҳақида тушунчалар бериб боришимиз, шу билан бирга ушбу жанр яъни “Мусиқали драма” жанри Осиё халқининг ва айнан ўзимизга хос миллий театр жанри эканлигини қайта ва қайта такрорлаб улар онгига сингдирмоғимиз керак.

Талабаларга, яъни бўлажак мусиқали театр актёрларини тарбиялашда энг аввало, улардаги табиий қобилиятга ёндашган ҳолда ҳаракат қилиш лозим. Биламизки, бу жанрда овоз катта аҳамиятга эга. Мусиқали спектаклларда ариялар, яъни нотага йўғирилган хиссий монологлар жуда кўп

учрайди, уларни ижро қилиш учун эса ҳам актёрлик маҳорати, ҳам сахнавий нутқ техникаси ва энг муҳими, муסיқий билим зарур. Бу уч омилни бир вақтда шакллантириш учун эса энг аввало талабаларда муסיқий кўникмаларни ритмик машқларда сайқаллаш зарур. Талабаларни актёрлик маҳорати фанида содда ва тушунарли тарзда ўқитиш энг ишонарли ва энг содда йўлларида биридир. Энг аввало, талабаларга сахнавий этика ва эстетика ҳақида, сахнавий маҳорат формаси ҳақида тушунчалар бериш мақсадга мувофиқдир.

“Актёрлик маҳорати” дарсидаги илк талаблар, яъни “Театр диққатдан бошланади”, - деган фикрни устозларимиздан кўп эшитганмиз ва шу сабабли илк кўникмаларни диққат машқларидан бошлаймиз. Диққат машқларига ҳамоҳанг, хиссиёт, тасаввур, кузатув, хотира каби элементларга ҳамоҳанг тарзда мусиқали театр асоси бўлмиш ритмикани ҳам талабаларда шакллантириб боришимиз керак.

Ритмик машқлар: аввало талабаларга ритм тушунчаси, нота ўқилиши ва чўзимлари ҳақида кўникмалар берилади ва нота чўзимлари асосида талабаларга қарсак ва ритмик машқлар ёрдамида ритмикани, яъни муסיқий билиминг илк элементларини ўргатиб борамиз. Аста-секин ритмик машқлар мураккаблашиб боради, уларни хараларга, гуруҳли ритмик усуллар оҳангида жўрлик, яъни гуруҳ бўлиб ишлашга ҳам ўргатиб борамиз.

Кузатув машқлари талабада синчковлик ва эътиборлилик даражасини юқори қилувчи жараён бўлиб, бу жараёнда атроф-муҳит, табиат, жонзотлар, инсонлар уларнинг кўриниши, хатти-ҳаракати, характери, хусусиятини ўрганадилар ва ўзларига сингдирадилар. Бу ҳолатда талаба ўзига сахнавий киёфаларни жамлайди.

Буюмларни жонлантириш машқлари кузатув, диққат каби жараёнларни ўзига жамлаб, талабада энг кераклиси тасаввурни шакллантиради ва мавжуд тасаввурларни бойитади, кенгайтиради. Жонсиз буюмга жон киришини талабалар ўзларида синайдилар аввал ўзларини бирор буюм сифатида тасаввур қиладилар ва ўша буюминг тасаввурларида хусусиятларини жонланиш орқали намоён қиладилар.

Ҳар бир машғулотда талабаларга сеҳрли сўз “Агарда мен” ёрдам беради. Биз талабаларга ҳар бир машқларни ўргатар эканмиз, албатта, бизга дастурул амал жоиз. Шундай дастурул амал бўла оладиган манбани, албатта, санъат таълимининг энг катта қўлланмаси бўлган Станиславский системаси асосида олиб борамиз. Станиславский таълимотига кўра актёрнинг руҳий ва жисмоний туйғуларини мақсадга мувофиқ ишга тушувчи унсурларни “ижодкорлик элементлари” деб аталади. Бу унсурлар табиат қонунлари тизими бўлиб, актёрнинг туйғуларини табиий кўзғовчи ва ҳаракатга келтирувчи, “кечинма санъати”[2] талаблари асосини ташкил қилувчи элементлардир. Улар:

- мақсадга мувофиқ жамланган ва йўналтирилган диққат;
- кўриш, эшитиш, қабул қилиш ва баҳолаш;

- мажозий ички кўриш ва ҳис қилиш хотираси;
- берилган шарт-шароитларни тасаввур қилиш;
- сахнавий муҳит билан алоқадорликни ўрната билиш;
- сахнавий туйғу ва ҳаракатлардаги изчилликка амал қилиш;
- сахнавий ҳақиқатни ҳис қилиш;
- ишонч ва табиийлик;
- ролнинг ва спектаклнинг истиқболини ҳис қилиш;
- фикрли ва мақсадли ҳаракат;
- темпо-ритмни идрок этиш;
- сахнавий истарага эга бўлиш;
- эҳтиросни кўзгата олиш ва уни жиловлай билиш;
- мускуллар эркинлиги;
- гавданнинг ифодавийлиги;
- овозни бошқара олиш;
- тўғри талаффуз ва фикрни етказа билиш;
- сўз билан таъсир эта билиш;
- характер ва характерлиликни ҳис қилиш каби тизимдан, актёрни сахнада табиий ҳаракатга олиб келадиган туйғулар мажмуи кабилардан иборат.

Юқорида таъкидлаб ўтилган актёрлик маҳорати элементларини талабаларда шакллантириш учун педагогика тажриба ва аниқлик керак. Ҳар бир талаба турли хил тарбия ва турли хил тушунчага эга, шу сабабдан ҳар бирига турлича ёндашиш лозим. Мисол учун: қайсидир талабада актёрлик маҳорати жуда юқори, лекин мусиқий қобилияти йўқ, яна бирининг мусиқий тушунчаси яхши, маҳорати суст. Бундай ҳолда педагог иккисига ҳам бир ҳил дарс ўта олмайди. Ҳар иккисига турлича ёндашиш зарур. Маҳорати юқори талабага ритмик машқларни кўпроқ юклаш, мусиқий тушунчаси бор талабага эса аксинча. Баъзи бир талабалар тез зерикувчан ёхуд бир жойда ўзини тинч ҳолатда тута олмаслиги мумкин. Бундай талабалар билан иложи борича камроқ суҳбат, яъни камроқ назарий дарс ўтиб, кўпроқ амалий машғулотлар олиб бориш лозим. Ҳар бир педагогнинг ўз йўли ва ўз шахсий йўналиши мавжуд. Лекин ўз қарашлари билан чекланмасдан, бошқа бир педагогларнинг ҳам машғулот жараёнларини кузатиш, улар билан ўзаро тажриба алмашиб туриши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.К.С. Станиславский “Актёрнинг ўз устида ишлаши” (2011 Т.)
- 2.К.С. Станиславский. Асарлар тўплами. 3 том (Курсивной. 1997 М.)
- 3.“Мейрҳолд билан учрашувлар” М.1967 йил.

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР: БУГУНГИ КУН ВА ИСТИҚБОЛ

Бекмуродова М.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Маданият ва санъат муассасаларини
ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси ўқитувчиси.*

Мутахассисларнинг фикрига кўра таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишининг ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасида билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларини биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчи керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш керак.

Илғор педагогик технология “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида олиб борилаётган туб ислохотлар асосий йўналишларининг бош ҳаракатлантирувчи кучидир.

Технология сўзи (юнонча) “*технос*” – санъат, ҳунар, “*логос*” – фан, “педагог” эса бошқарувчи, етакловчи (таълим-тарбияга) маънони англатади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, технология жараёни (ишлаб чиқариш жараёни, таълим-тарбия жараёни ва ҳ.к) ишлаб чиқаришда меҳнат қуроллари билан меҳнат объектларига таъсир этиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришдир[1].

Айрим педагогларнинг фикрича, педагогик технология буюқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсиф шакллантириш жараёнидир. Услуб (метод) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуидир. Педагогик технология эса ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган йиғиндидир.

Ўқув жараёнини техник воситалари ва ЭҲМ ёрдамида амалга ошириш илғор педагогик технологиянинг бир қисмигина, холос. Педагогик технологияда “Янги сўз”ни ишлатиш “Эски”нинг самарали томонини олиб, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда янгича технология асосида баркамол, етук шахсларни етказиб бериш тушунилади.[2]

Таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифасини тўлалигича янгилаш учун[3]:

- кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини аниқлаш;

- замонавий иқтисодиёт, саноат, тиббиёт, экология соҳаси технологиялари билан педагогик технологияни мунтазам янгилаб бориш, табақалаштирилган ёндашув асосида унинг асосий мезонларини аниқлаш;

- истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва унга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш, самарасини аниқлаш;

- илғор педагогик технологияларни диагностика қилиш, коррекцион ва назорат, баҳолаш ишларини жорий этиш;

- малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг узлуксизлигини таъминлаш;

- илғор педагогик технология асосларини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиш;

- ижодкор ўқитувчилар ишини ўрганиш ва оммалаштириш;

- бу ишларни амалга ошириш учун педагогик технология Давлат марказларини тузиш биринчи навбатдаги вазифалардан бўлиши лозим.

Педагогик технологияни таълим жараёнига жадал жорий қилиш учун[4]:

- дарс жараёнида таълим-тарбияга ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёнининг субъекти бўлишга эришиш (яъни ўқувчи зиммасида ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ва ҳ.к.).

- ўқитувчи ўқувчида эҳтиёж туғдириш, муҳит яратиш ва ундан масъулиятли фойдаланишни сезишга ўргатиш;

- дарснинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, касбга йўлловчи мақсадларини амалга оширишда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги ва ҳаракати зарур бўлади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчи учун ички мотивни эҳтиёжга айлантириш учун педагогик технология мониторинги ўрганиш, тушуниб етиш, таҳлил эта олиш, умумлаштириш, баҳо олишдан иборат бўлиши керак.

Юқоридагилар амалга ошириладиган бўлса:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак-хоҳиши, унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

- ўқувчининг дарсга бўлган масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

- билимларни мустақил эгаллаш малакаси шаклланади;

- шахснинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг моҳияти шундаки, ўқув жараёнида барча ўқувчилар билим олиш жараёнига жалб қилинади. Қисқа вақт ичида улар рўй бераётган ҳамма нарсани тушуниб олишлари, тегишли қарор қабул қилишлари, мураккаб муаммоларни ечиши, муқобил фикрларни солиштириши, ўйлаган қарорларини қабул қилиши мумкин бўлади ҳамда уларнинг мулоқот маданиятлари шаклланади. Педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш, ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабатини ва илм олишга бўлган ҳавасини оширади. Ноанъанавий дарслар ва таълимнинг интерфаол методларни қўллашнинг муҳим тарбиявий аҳамияти шундаки, ўқувчида яшириниб турган қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаради

хамда уларда ўз имкониятларига ишонч билан ёндошишни тарбиялайди. Интерфаол методларни дарс жараёнида қўллаш ўқувчига ҳар бир фандан ўрганиладиган илмий тушунча ва қонуниятларни шунчаки ўрганиб қолмасдан, балки унга келтириб чиқарувчи сабабларини ҳам аниқлаштиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Тошкент, 2005.
2. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Тошкент, 2006.
3. Л.В. Голиш, Д.М. Файзуллаева Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Тошкент. "Иқтисодиёт" – 2012 йил
4. А.Ҳайитов, Н.Боймуродов Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усулларидан фойдаланиш. Тошкент- 2006 йил

**THE PEDAGOGY OF COOPERATION SUCCESSFUL ALTERNATIVE
TO TRADITIONAL TEACHING METHODS**

Khaydarov Kh.

*Teacher of the Department
"Pedagogy and Psychology"*

Raupov M.

4th year student

The pedagogy of cooperation is seen in world practice as the most successful alternative to traditional teaching methods. She became widely known in the 1980s, but her ideas are at the heart of modern learning.

Cooperation is a humanistic idea of joint developing activities of children and adults, fixed by mutual understanding, penetration into the spiritual world of each other, collective analysis of the progress and results of these activities. The strategy of cooperation is based on the ideas of stimulating and directing the cognitive interests of students by the teacher. The importance of this form of educational organization is so great that there is a tendency to view the whole pedagogical process as a pedagogy of cooperation[1].

At present, the term "educational cooperation" is increasingly used in the pedagogical psychology as the most intensive, activity-oriented and common to other terms, indicating at the same time multilateral interaction within the educational group and interaction of the teacher with the group. Cooperation as a joint activity, as an organizational system of activity of cooperating entities is characterized by:

- Spatial and temporal contact;
- Unity of purpose;
- Organization and management of activities;
- Division of functions, actions, operations;

- Positive interpersonal relationships.

The humanistic essence of collaboration pedagogy was to provide every pupil with the facilities for learning and nurturing according to his desires and capabilities. The fulfilment of these conditions makes it possible to organize cooperation between teacher and student and to maximize the autonomy of students in educational activities. The founders of cooperation pedagogy identified these conditions as ideas on the basis of which the maximum effective development and education of personal qualities of students is possible:

- Education of the child in the immediate development zone;
- Teaching without coercion;
- A set of keywords, symbols arranged in the form of a reference diagram, to exclude a toothing of the material;
- the idea of advance;
- the idea of large blocks;
- the idea of freedom of choice;
- the idea of dialogue reflection;
- the idea of an intelligent class background;
- the idea of joint activities between teachers and students;
- the idea of volunteering in leisure activities.

In modern conditions, the pedagogy of cooperation is considered as a humanistic idea of joint development activity of students and their teachers, built on the awareness of the teacher and students of common goals in the pedagogical process. The teacher and pupils in the educational process are equal partners. At the same time, the teacher acts as an authoritative adviser, a senior comrade, and students receive sufficient independence both in acquiring knowledge and experience, and in forming their own life position. The attitude of cooperation provides conditions for the free development of creative identity and activity of students, as well as for the education of collectivism, partnership, mutual assistance, discipline[2].

The importance of cooperation pedagogy goes far beyond the methodology and organization of training. It is a kind of educational process strategy. At the same time, the "pedagogy of cooperation" is a holistic methodological system, the characteristics of which are:

- creation of the creative atmosphere at each lesson, each occupation; The constant transformation of students from subject to subject; Ensuring students 'self-confidence in the possibility of success; The elimination, as a rule, of methods of forcing students to teach;
- democratic, benevolent style of studies, relaxed atmosphere of communication of the teacher with pupils, pupils among themselves; Creating conditions for the advancement of the "weak" and accelerated development of the "strong"; Organization of voluntary mutual assistance of "strong" students "weak";
- creation of comfortable conditions of educational process in each lesson: a climate of joy of success; Removing fear of failure and negative assessment; Wide

practice of evaluation communication of the teacher with students; Emotional division, encouragement of initiative and questions of students to the teacher and to each other;

- wide application of pedagogical tools that encourage students to engage in active cognitive activity: heuristic talks, "productive" issues, creative tasks, independent works, awakening and maintaining the interest of students in all its types and manifestations, ensuring positive motivation of students in teaching, encouraging and maintaining a high level of curiosity of students, applying "active" forms and methods of organization and conduct of classes;

- objectivity and fairness of assessment of students' educational achievements, use of assessment to improve the quality of teaching; The application of forms and methods of control that stimulate teaching without coercion; Widespread application of self-control and self-analysis by students of their educational successes;

- a humane-personal approach to a child.

- didactic activating and developing complex.

- concept of upbringing.

- environmental pedagogy.

Besides bigger effectiveness (efficiency) which criterion is depth and durability of knowledge in studying of subjects cooperation has also other advantages[3].

Pedagogical cooperation, which aims to develop the abilities of each student, creates conditions for social recognition of the student's personality, and therefore pedagogical cooperation in the lesson should rightly take an appropriate place in the constructive and predictive activity of the teacher, as it allows to choose the optimal way of activity in the education of students.

List of literature:

1. Dilova N. G. Possibilities of educational process organization on the basis of pedagogical cooperation//Young scientist. - 2012. - № 11. - S. 409-411.

2. Psychology and Pedagogy//Sost. A. A. Radugin. - Moscow: Center, 2005. 256 p.

3. Zukerman G.A. Joint training activities as a basis for forming the ability to learn. M., 1992.sibac.info/archive/humanities/7.pdf

ФОРМИРОВАНИЕ СОЗНАНИЯ ЧЕЛОВЕКА ПРИ ПОМОЩИ ТЕАТРА

Юсупова М.Р.

кандидат искусствоведения, доцент,

Государственного института искусств и культуры Узбекистана

Хамдамов У.У.,

магистр I курса

отделения "Актёр эстрады"

Государственного института искусств и культуры Узбекистана

Аннотация. Статья содержит анализ воздействия театра на сознание современников и самого механизма этого процесса.

Ключевые слова: сознание, художественный вкус, общение, социальный институт, мышление.

В процессе развития истории, возникают ценностные ориентиры, которые в свою очередь определяют перспективу и стимул дальнейшего преобразования общества.

В связи с этим – театр как социальный институт в своем существовании зависит от «осознания творцами театра множества своих функций по отношению к обществу» [1].

Одними из основных функций определяются как:

-средство освоения действительности и определения места человека в ней;

-распространение знаний о моделях и образцах поведения человека;

-воспитание художественного вкуса и духовной культуры;

-обучение людей способам общения;

Театр – отражение действительности и здесь это понимается как активное её преображение. Все это самым тесным образом связано с познанием и практикой. Искусство вообще является самопознанием культуры. «Культура отражается в искусстве, как в зеркале. Культура «смотрится» в это зеркало и совершенствуется в зависимости оттого, что она в нем видит» [2].

Вкус формируется у личности в процессе освоения культуры. Но очень сложно говорить об определенных её контурах, если они не ориентированны на выработку знаний, ценностей и идеалов. «Мифология, религия, искусство, философия – вот основные формы духовной культуры, наиболее очевидным образом принадлежащие к ней. Их можно представить, как пласти культурного пространства, параллельные «ценностной» и «когнитивной» осям.

Но театр искусство условное. Декорации, чужие люди (зрители, актеры), непонятные слова (тексты), непонятная музыка, звуки, костюмы, ткани, освещение и т.п. все эти перечисленные элементы общей игры, вызывают чувство недоумения в отдельности. И без восприятия этого условного мира и включения воображения (действенного) как актеров, так и зрителей, не состоится рождение чуда новой жизни на сцене. Из чувственных данных продуктивного воображения, рождаются понятия художественного образа, заложенных режиссером в постановку.

«Правдиво показать каждое явление жизни в его сущности, раскрыть важную для жизни людей истину и заразить их своими чувствами – ненавистью и любовью, - в этом задача подлинного искусства» [3].

Организованное пространство, где взаимодействуют сознание актера и сознание зрителя, формирует новый уровень мышления участников этого

феномена. В области психологии мышления особенно остро выступает соотношение познавательных и эмоциональных процессов. «Интеллектуальные эмоции выполняют функцию внутренней сигнализации в мыслительной деятельности» [4].

Эстетическое переживание стимулирует познавательный процесс и раздвигает рамки сознания. Развитие литературы, искусства, культуры – важный фактор повышения духовности нашего народа. Об этом говорил Президент Республики Узбекистан Мирзиёев Шавкат Мироманович 3 августа 2017 года на встрече с представителями творческой интеллигенции страны. В своей речи он подчеркнул: «...что у нас достойные восхищения великие предки, достойные восхищения несметные богатства. И я убежден – продолжал он – у нас будет достойное восхищения великое будущее, великие литература и искусство» [5].

В связи с этим возрастает ответственность, предъявляемая обществом к режиссеру, к его гражданской позиции. Искусство, предлагая бесконечные варианты человеческого общения, тем не менее предполагает, что «один и тот же акт общения может быть описан в виде двух представлений, формируемых с позиции разных коммуникативных партнеров» [6].

Смысл, который для себя открывает зритель посредством художественных образов, создаваемых режиссером, предполагает акт сотворчества. Так как именно в нем (смысле), отражается сознание и происходит процесс сравнения «старых» и «новых» знаний.

Одним из определяющих факторов в развитии сценического искусства, является наличие национальной культуры, традиций и самих образцов творческого наследия. В Узбекской режиссуре это уникальные постановки М.Уйгура, Я.Бабаджанова, Ф.Умарова, С.Алимова, З.Кабулова, Т.Ходжаева, А.Гинзбурга, Б.Юлдашева, О.Салимова, В.Умарова, Н.Абдурахманова, Р.Хамидова, которые создали платформу «активизации художественных традиций, выработанных на протяжении многовековой истории края, переосмысление господствовавших ранее тенденций, провозглашение фундаментальных ценностей, отвечающих духу демократических перемен и основанных на уважении прав, достоинств, свободы личности, творческого высказывания» [7].

На вышеуказанной встрече с представителями творческой интеллигенции, Президент республики Узбекистан отметил что в нашей стране не будет допущено превращение в бизнес литературы и искусства, культуры, средств массовой информации, духовности и просветительства. Осознанный режиссерский выбор репертуара для театра в целом и для каждого актера в отдельности – это осмысленный поступок для духовного и профессионального роста всего коллектива.

Говоря о мотивации человека театра, нужно начинать с анализа общего строения деятельности. Леонтьев А.Н. объясняет в своей книге

«Деятельность, сознание, личность что: «предмет деятельности есть её действительный мотив» [8].

Основной характеристикой мотива является то, что она всегда отвечает той или иной потребности. Основные из них:

- созидательные,
- социальные,
- художественно-эстетические,
- игровые,
- познавательные,
- творческое –самовыражение,
- коммуникативные.

Созидательные – создавая новое произведение режиссер обязан учитывать, помимо материала и общественно – исторического момента и фактор, который состоит из конкретного коллектива с определенными профессиональными навыками.

Социальные – театр, как социальный институт, не только выполняет функцию транслятора культуры и традиций из поколения в поколение, но и образчика поведения, общения и видения мира, формируя сознание общества.

Художественно-эстетические искусство — это мышление в художественных образах. Развитое эстетическое чувство позволяет увидеть различные оттенки красоты, возвышенного. Эстетическое отношение принято определять, как чувственно-конкретное. Только через понимание опосредствованно интеллектуальной деятельности происходит эстетическое переживание.

Игровые – термин «игра» (введенный в эстетику Кантом) используется в самом широком смысле – здесь не как способ развлечения, а как принцип деятельности. В игре ещё ребенок учиться не определенным функциям, способностям, качествам, результатам, а учиться быть человеком. Существенные компоненты игры на сцене – это воображение и зритель. Никто не будет играть в одиночестве...

Познавательные – практически-духовное освоение действительности, теснейшим образом связано с познанием и практикой. Именно эстетическое отношение к действительности способствует расширению и закреплению знаний.

Творческое –самовыражение - основывается на продолжении познавательной мотивации – процессе самопознания и поиске всевозможных форм самовыражения. С ростом профессионализма, происходит коррекция и уточнение основных целей художника. Главное, какую бы технику, направление, школу вы не выбрали, аксиомой является соответствие вашей индивидуальности.

Коммуникативное – искусство вообще, и театральное в частности, отличает полифония общения. При словесном и безсловесном общении

между актерами образуется связь, которая нечто иное, как восприятие партнера, но есть многоструктурные изменяющиеся сцепки этих общений: драматург-режиссер; режиссер-актер; режиссер-актер-зритель; актер-критик; режиссер-композитор; и т.п. Общение само по себе требует взаимности и большого труда по овладению им.

Но нужно подчеркнуть, что именно в духовной культуре, по сравнению с другими областями, все участники этого общения получают свободу творчества, которое ведет к особому высокому миру, созданного самим человеком. Все это естественно с учетом изменяющегося общества, в связи с развитием глобального объема циркулирующей информации. Телевидение, интернет, мобильная телефония, порождает развитие двух видов потребителей таких как:

Первый – это потребители стандартной продукции (не слишком взыскательная публика),

Второй- это сравнительно узкий круг публики, кому доступна «изысканная» продукция.

Таким образом происходит расслоение современной культуры на массовую и элитарную. Такое разделение существовало всегда. В западном мире, на протяжении всего XX века происходило существенное преобразование народной и этнической культуры, что в свою очередь привело к «индустрии культуры». Массовая культура – это всегда порождение технического прогресса. Нужно особо отметить рост тенденции у простых людей - повысить свой социальный статус и образовательный уровень. В нашей Республике для этого созданы все условия, начиная с дошкольных образовательных учреждений и заканчивая центрами переподготовки и повышения квалификации с привлечением высококвалифицированных зарубежных ученых преподавателей и специалистов. Что подтверждает: «Комплекс мероприятий по укреплению и модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений, оснащению их современными учебными лабораториями, средствами современных информационно-коммуникативных технологий на период 2017 – 2021 годы» [9], еще раз подчеркивает заинтересованность нашего государства в подготовке высококвалифицированных кадров , отличающихся духовно-нравственными качествами, чувством гражданственности, патриотизма, гуманизма и безграничной любви и служения своей Родине.

Список литературы:

1. Соснова М.Л. Искусство актера. М. Академический проект. 2005г.стр 5.
2. Кармин А.С. Культурология. Краткий курс. Питер.2010г.стр123.
3. Захава Б.Е.Мастерство актера и режиссера М. Просвещение.1973г.стр.7
4. Васильев И.А., Поплужный В.Л., Тихомиров О.К. Эмоции и мышление. Изд. Московского университета.1980.стр.51.
5. Народное слово.4 августа 2017год.№153.(6817).
6. Соснова М.Л..Искусство актераМ.Академический проект.стр.108.(432).

7. Хамидова М.А. Юсупова Н.Ю. Художественная культура, искусство в аспекте теоритического осмысления. Т. TURON_IQBOL. 2017. стр9.
8. Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. М. 1975г. Стр.60.
9. Постановление Президента Республики Узбекистан « О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» №ПП-2909 от 20 апреля 2017г

ЎЗБЕК КИНОСИДА ТАРИХИЙ МАВЗУ ТАЛҚИНИ

Пирматов М.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу илмий мақолада ўзбек кинотида тарихий мавзу ва унинг бугунги кунда ёшлар тарбиясида тутган ўрни бекиёс эканлиги қайд этилади. Шунингдек, бу борада эришилаётган ютуқлар ва келгусида амалга ошириш зарур бўлган муаммолар хусусида тўхталиб ўтилади. Ушбу мавзунини аҳамиятли томони шундаки, бизнинг давлатчилик тарихимиз, бой ўтмишимиз ва маданиятимиз, улуг аждодларимиз маънавияти бугунги киноти санъати орқали тўлақонли ифодаланиши ўз аксини топган.

Калит сўзлар: киноти, тарихий мавзу, тарихий шахслар, миллат, ҳужжатли фильм, тарихий ҳақиқат, ижод, тарихий фильмлар.

Киноти санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири бекиёсдир. Оммавий санъат тури бўлмиш киноти соҳасида бизда ўзига хос ижодий мактаб яратилган бўлиб, унинг асосини тарихий мавзулар ташкил қилади. Бунинг ёрқин мисоли “Тоҳир ва Зухра”, “Ўтган кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан”, “Мафтунингман” каби фильмларимизни ҳали-ҳануз ҳалқимиз севиб томоша қилади.

Тарихий манбалар асосида яратилган миллий асарлар нафақат ҳалқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал кадриятларини бутун дунёга танитишга катта ҳисса қўшади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов санъат асарлар талқинида тарихий манбаларнинг ўрнини алоҳида қайд этиб: “Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим” эканлигини таъкидлайди.[1. Б.113.] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йили август кунини мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр билдирди. Давлатимиз раҳбарининг учрашувдаги маърузасида маданиятимиз ва санъатимиз ривожланиш жараёнида, бу борадаги ижобий

тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири холисона ва танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Ижодий уюшмалар, Маданият вазирлиги ҳамда унинг таркибидаги бирлашма ва ташкилотлар фаолияти чуқур таҳлил этилди. Ижодкор зиёлиларнинг бугунги кунда жамият ҳаёти, ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва вазифаси ҳақида муҳим ва долзарб фикрлар баён қилинди.

Президентимиз бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқотнинг аҳамияти, мантиқий натижаси ҳақида сўз юритиб, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, деган фикрни қатъият билан таъкидлади. [2]

2017 йил 7 февралда “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳам Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Ўзбекфильм”, “Қорақалпоқфильм” ва “Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар” киностудияларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, энг замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги кинотеатрлар қуриш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган бадиий фильмлар сонини 2018 йилда 20 та, 2020 йилда 30 тага, мультипликацион фильмлар сонини эса 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб 50 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари Агентлик ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тузилиши белгиланганлиги ҳам бу соҳада катта янгилик бўлди. Чунки, ҳар қайси миллат маданияти ривожланиши истиқболини миллий кинофильмларсиз тасаввур қилиш қийин.

Президентимизнинг 2018 йил 24 июлдаги “Миллий кино индустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, бино ва иншоотлар реконструкция қилиниб, зарур техникалар билан жиҳозланмоқда. Энг муҳими кинони саноат ва санъат сифатида бирдек раванқ топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттириляётир.

Замон суръати жадаллашгани сайин одамларнинг дунёқараши кундан кунга кенгайиб, кино маҳсулотларини танлаш имконияти ҳам ошиб борапти. Шундай вазиятда томошабинни сақлаб қолиш, дидини юксалтиришга ҳисса қўшиш, маънавий-руҳий оламини бойитадиган тарихий асарлар яратиш бугунги куннинг энг асосий долзарб масаласи бўлиб, бунинг учун астойидил изланиш, меҳнат қилиш, кино санъати бугунги ижтимоий-маънавий ҳаётда муҳим ҳодиса эканлигини теран англаш вақти келди. Айни вақтда, маданият

соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турганлигини соҳа мутахассислари чуқур англаб етишлари лозим.

Шу нуқтаи назардан кино соҳаси фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланади. Баъзи фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Ижодкор зиёлиларимиз, қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аجدодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз. Мисол учун буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурни оламизми, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмийни оламизми, Колумбдан 500 йил олдин Американи кашф этган Беруний бобомизни оламизми, ўрта асрларда тиббиёт фанининг пойдеворини яратган Ибн Синони оламизми, астрономия соҳасида беқиёс кашфиётлар қилган Мирзо Улуғбекни оламизми, араб грамматикасини араб дунёсига тортиқ қилган Аз-Замахшарий бобомизни оламизми – жаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бундай улуғ аجدодларимизнинг ҳар бири ҳақида ажойиб ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратишимиз мумкин.

Ижодкорларимиз тарихий мавзуга қўл урар эканлар, кўламини кенгроқ олишга, маррани баланд қўйишга алоҳида эътибор қаратишларини истардик. Чет элларда Спартак, Ганнибал, Александр Македонский, Наполеон, Леонардо да Винчи, Бетховен, Лев Толстой каби буюк шахслар ҳақида тарихий ва бадиий жиҳатдан мукамал асарлар яратилган.

Ҳолбуки, бизнинг улуғ боболаримиз ҳам улардан зиёд бўлса зиёдки, лекин асло кам эмас. Агар биз аجدодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айни кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда йилига 80 га яқин фильм суратга олинаётган бўлса, шулардан 60-70 фоизи хусусий киностудия томонидан яратилаётган кинокартиналардир. Албатта, томошабин учун фильмни қайси режиссёру, қайси киностудия тақдим этаётганининг фарқи йўқ. ЮНЕСКО қарори билан “Мирзо Улуғбек, Осмон тоқига қўйилган нарвон” номли ҳужжатли-бадиий фильм мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Маълум бўлишича, буюк мутафаккир ва аллома Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильм режиссёри Баҳодир Йўлдошев бўлиб, сценарий эса Ўзбекистон, Франция, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Дания ва Нидерландиянинг етакчи олим ва мутахассисларининг Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти хусусидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашган ҳолда ёзилган. Шунингдек, кинокартинани яратишда “Бодлиан” кутубхонаси

(Оксфорд университети), Британия музейи, Пристон университети, Гриффит расадхонаси, Франциянинг “Observatoire de la Cote d’Azur Cote” расадхонаси, Калифорния университети, Даниянинг “The David Collection” музейи, Оксфорднинг “Илм-фан тарихи” музейи ҳамда “St.Johns” коллежи ва ўқув юртлари, музей ва кутубхоналари бисотидан фойдаланилган. Голливудда суратга олинган ушбу ҳужжатли фильмда Винцент Кассель, Арманд Ассанте, Франциско Овалле каби жаҳон кино юлдузлари роль ижро этган. Улар қаторида Маъруф Отажонов, Ҳошим Арслонов, Жавоҳир Зокиров сингари ўзимизнинг кино актёрларини кўришимиз мумкин. Халқаро Венеция кинофестивалида ўрта асрлар буюк алломаси ва мутафаккири Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи “Мирзо Улуғбек. Осмон тоқига қўйилган нарвон” фильми 2017-йилда 74-халқаро Венеция кинофестивалида “Энг яхши хорижий ҳужжатли фильм” номинациясида нуфузли “Кинео” мукофотига сазовор бўлганлиги ҳақида маълумотга эга бўлди. Ушбу ҳужжатли фильмнинг ютуғи нимада, деган савол туғилади.

“Соҳибқирон Амир Темурнинг невараси бўлмиш Мирзо Улуғбек дунё илм-фанида ўчмас из қолдирган. Самарқанд унинг ҳукмронлиги даврида астрономия соҳасида тадқиқотлар ўтказиладиган халқаро марказга айланди. Улуғбек бунёд эттирган муаззам расадхонада ўз даврининг пешқадам олиму фузалолари жам бўлган эди. Аллома тартиб берган астрономия жадвалида 1118 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви муфассал баён этилган. У ҳисоблаб чиққан йил узунлиги натижалари эса замонавий ҳисоб-китоблардан атиги 25 сонияга фарқланади. Буюк олим шунингдек, Ер сайёраси ўқининг оғиш бурчаги 23,52 градусни ташкил этишни аниқлади. Ушбу илмий натижа ҳам ҳозирги қадар энг аниқ кўрсаткич, дея эътироф этилади. Кенг дунёқараши ва теран тафаккури билан ўз даври ва замондошларидан илгарилаб кетган олим, таассуфки, жаҳолат ва разолат қурбони бўлади.

Режиссёр Баҳодир Йўлдошев фильмни яратишда воқеалар мантиқи, сценарийнинг композицион бирлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Асосий эътиборни инсонларнинг кадр-қиммати ва ахлоқий қирраларини очишга қаратади. Муаллиф ва режиссёр ғояларини чуқур англаб етган Улуғбек образида эзгулик ва ақл билан оламни ўзгартириш мумкин деб ўйлаган инсон тимсолини моҳирона очиб беради. Арманд Ассанте серкирра ижод йўлида жанр ва давр ҳилма-ҳиллиги кўзга ташланади. Уларда актёр ўз ижро техникаси ва тажрибаси, индивидуаллиги билан яратган образлари салмоқли ўрин эгаллайди. Актёр қайси тоифадаги инсонлар қиёфасани ижро этмасин, улар ўзининг ёрқинлиги, бетакрорлиги, тилининг бурролиги билан ажралиб туради. Бу эса актёрнинг тинимсиз ўз устида ишлаши, изланиши орқали юзага чиқади. Санъаткор ижодий фаолияти давомида яратган ҳар бир образини ҳоҳ у қаҳрамонлик, драматик, фожеавий ҳоҳ ҳажвий бўлсин уларни ўз ижодий призмасидан ўтказиб, чуқур таҳлил тарзида ёндашарди. Шу сабабдан ҳам актёр бир образдан бошқа бир образга эркин, ҳеч бир қийинчиликларсиз беъмалол ўта оларди. У яратган қаҳрамонларининг жонли,

хаётий, кўпқиррали ва мукамал бўлишида айнан мана шу изланишлари сабаб бўла олган. Ана шундай роллардан бирини ўз касбининг устаси Жавоҳир Зокиров Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф ролини ижро этар экан, ўз ролини доимий қарама-қаршилик, доимий руҳий синишда кўради. Бу ҳол актёрнинг юриш-туриши, ҳатти-харакатлари, ҳатто имо-ишораларида ҳам сезилиб туради. Маълумки, Абдулатиф асосан бувисининг кўлида тарбия топади ва шунинг учун ҳам эзгу ниятлардан бебаҳра инсон сифатида улғаяди. Унинг Улуғбек ўтказаётган ислохотларни тан олмаслиги, ҳокимиятга интилиши, ҳатто бу йўлда ўз падарини ҳам тан олмаслиги бевосита тарбия билан жисмига сингиб кетганди. Абдулатиф ўзининг ёмон ишларини амалга оширишда ҳеч нарсадан қайтмайдиган, асосан орқадан зарба бериш хусусиятларига эга шахс. Унга Темури ва темурийларга хос бўлган мардлик, жасурлик, ақл ва заковат бегона. Актёр Жавоҳир Зокиров томонидан бу рол ижроси кескин зиддиятларда, изтиробу инқирозлар оғушида гавдаланган. Санъаткор Абдулатиф характеридаги қарама-қаршилик, психологик мураккабликни очиб беришга ҳаракат қилган. Аммо бу хусиятларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва мотивлар ёрқин очиб берилмаган. Санъаткор қаҳрамонидаги воқеалар ривожда ўзгариб боровчи феъл-атворини, жумладан кези келганда жўшқин шижоатли, кези келганда ожиз томонларини моҳирлик билан очиб беради. Абдулатиф — Жавоҳир Зокиров ўз қилмишларидан лаззатланувчи, фрибгар устозларининг чизган чизиқларидан чиқмайдиган, топшириқларини сўзсиз бажарадиган пасткаш кимса сифатида гавдаланади. Санъаткор қаҳрамонидаги кучли руҳий кечинмаларни ишонарли ҳатти-харакатлар билан кучли ифода воситаларида очиб беришга сазовор бўлган, бу ўз ўрнида санъаткордан кучли меҳр ва масъулиятни талаб этган. Актёр ўз ролини сахнавий ечимини топишда режиссёр ва ижодий жамоа билан ҳамкорликда самарали изланишда бўлган. Шу боисдан ҳам унинг Абдулатиф образи тубан ҳарактерга эгаллиги билан бир қаторда, ўзининг янада бойитилган экран талқини орқали кино тарихи саҳифаларида ёрқин бўёқлар билан мухрланди. Санъаткор ўз истеъдоди ва катта ижодий тажрибаси билан оғир ва мураккаб, масъулиятли Абдулатиф ролини ижро этди ва ўзбек кино сахнасини, шу билан бирга ўз ижодий репертурини ҳам янада бойитди. Яратилинган ҳар бир қаҳрамон ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий ҳарактерга эга бўлсин, актёр томонидан моҳирона очиб берилса томошабин қалбидан чуқур жой олиши шубҳасиздир. Зеро, Жавоҳир Зокировнинг бошқа ролларидан тубдан фарқ қилувчи Абдулатиф образи гарчи салбий хислатларнинг энг тубан кўринишларини ўзида мужассам этган бўлса-да, ҳаётийлиги ва бетакрорлиги билан энг сара роллар сафидан жой олган.

Ушбу ҳужжатли фильм астрономия ва геометрия фанларининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиниб, унинг ҳаётидаги фожиалар, мушкулотлар ва зафарлар акс эттирилган. Шунингдек Ўзбекистондан ташқари АҚШ, Франция, Буюк

Британия, Дания, Россия ва бошқа кўплаб давлатларда намойиш қилинмоқда.

Кино санъатига янгича ёндошув вужудга келган бу даврда тарихий манбалар асосидаги ҳужжатли фильмларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Шуниси қувонарлики, ўзбек киносида ҳам маиший муаммолардан четлашган ҳолда жиддий ижтимоий мавзуларни катта экранларга ва телевидение экранларига олиб чиқиладигани барчани мамнун қилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 2017 йилнинг 29 октябрь куни Россия Федерациясининг “Культура” телеканали орқали Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда “Караван ТВ” телеканали билан ҳамкорликда тайёрланган “Ўзбекистон: кашф этилган синоатлар” номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ушбу ҳужжатли фильм мамлакатнинг қадимий ёдгорликларидаги ноёб битиклар, бой тарихий маданий меросимизга бағишланган бўлиб, Ўзбекистон тарихининг энг ёрқин саҳифалари ҳақида ҳикоя қилади. Фильмнинг яна бир аҳамиятли жиҳати тараққийпарвар ва маърифий исломнинг тинчлик, ҳамжиҳатлик, илму ирфон дини сифатидаги мазмун–моҳиятини жаҳонга танитиш ҳамда кўп асрлар олдин яратилган битиклар ҳамжиҳатлик ва барқарорликка ундаганлигини, инсонларни ҳаммисо оғоҳликка чақирганини гувоҳи бўламан.

Яна шундай ёрқин мисоллардан бири сценарий муаллифи ва режиссёр Абдухалил Мигноров томонидан халқимизга тақдим этилган “Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий” фильмининг намойиш этилиши барчага манзур бўлди. Ушбу фильмнинг муваффақияти шундаки, фильмда ҳижрий 3 аср, милодий 9 – асрдаги тарихий давр тасвирланади. Бу вақтда Мовароуннаҳрда илм ва маърифат юксак даражада ривожланган пайт эди. Муҳаддислик илми ҳам мисли кўрилмаган даражада раванқ топади. Мана шу даврда мусулмон оламидаги таниқли олти ҳадиснавис имомларнинг бири Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий дунёга келади. Фильмда унинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Унда бош ролларни Абдуллоҳ Абдуллаев, Дониёр Ҳафизов, Фурқат Файзиев, Нозим Тўлахўжаев, Эгамберди Раҳимов ва бошқалар ижро қилган.

Юқорида қайд этилган “Мирзо Улуғбек. Осмон тоқига қўйилган нарвон” ва “Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий” тарихий фильмларга мутаносиб равишда “Ўзбекино” миллий агентлиги ва хусусий киностудиялар ҳамкорлигида Жаҳонгир Аҳмедовнинг “Исломхўжа” номли бадиий-публицистик фильми суратга олинди.

Айни дамда, мана шундай муҳим даврни жонлантириш, Исломхўжадай фавқуллоҳда шахсни катта экранларга олиб чиқиш киночилардан алоҳида масъулиятни талаб қиларди. Шу боис режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов, энг оптимал йўлни танлаган — бадиий публицистикага мурожаат этган. “Исломхўжа” бу борада ўта ноёб фильмдир. Илмий жиҳатдан уни тўлақонли тадқиқот деса бўлади — режиссёр ўз жамоаси билан биргаликда тўрт йил умрини тарихий ҳужжатларни ва монографик тадқиқотларни ўрганишга

сарфлагани, архив титкилагани кўриниб турибди. Фильмга XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошидаги Хива тарихи бўйича йирик мутахассис Нёмат Полвонов маслаҳатчи бўлгани унинг илмий қийматини янада оширади.

Режиссёр Ислонхўжа ҳаёти ҳақидаги фактларни ўз қаҳрамони — ёш докторант тилидан батафсил, эринмай баён этади ва томошабинда ўша давр ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилади. Диалоглар, мактублар архив материаллари асосида тиклангани диққатга сазовор. Бу билангина чекланиб қолмай, ижодкорлар кўпгина баҳсли илмий масалалар юзасидан ўз хулосасини беради. Ҳикоя орасига қўшилган бадиий сахналар ҳам меҳр билан ишлангани, ҳар бир деталга урғу берилгани эътиборга лойиқ. Либослар, хон саройи, мулозимларнинг навбат туриш тартиби, хон тахти, рус ҳарбийларининг либослари — бари ҳаққоний тикланган. Қолаверса, режиссёр Хива хонлиги тўлақонли давлат бўлганини, ўз маъмурий аппаратига, суд-ҳуқуқ тизимига эгаллигини, хонликда мураккаб сиёсий ўйинлар, ресурслар учун кураш борганини, Россия империяси, хусусан, Амударё бўлими маъмуриятининг хонлик ҳаётига таъсирини кўрсатиб бера олган.

Улуғбек Қодиров ва Алишер Узоқовлар ўзларига ажратилган қисқа экран вақти ичида қаҳрамонларининг шахсиятини очиб бера олган. Масалан, Улуғбек Қодировнинг кадрдаги асосий иши сукут сақлаб, олисга тикилганча вазмин қадам ташлашдан иборат, лекин унинг нигоҳи, аслзодаларга хос ишончли ҳаракатлари, гапириш оҳанги юз йил муқаддам яшаган ҳукумат раҳбарининг шахсиятини кўз олдимизда тирилтиради, ва бу тарих ишқибозларини ҳаяжонга солмай қўймайди.

Фильм фабуласи Ислонхўжаниннг ўлдириши ҳамда бу жиноят тафтиши асосига қурилгани томошабинга ёқди: у баёнчи — докторант билан бирга қотиллик тафсилотларини билиб боради, айти пайтда унга Ислонхўжа кимлиги, қандай даврда, кимлар орасида яшагани тушунтириб борилади, фильм якунида эса жиноят ижрочилари, бу қотиллик хонлик учун қандай оқибатлар келтириб чиқаргани аён бўлади.

“Ислонхўжа” — ақлли кино, интеллектуал кино. У биз билган бошқа кўпгина ўзбек тарихий фильмларидан фарқли қуруқ пропагандага қаратилмаган, тарихий арбобларни эртак қаҳрамонларига айлантириб қўймаган, балки имкон қадар ҳужжатга асосланган ҳаққоний тарихни намоиш этган.

Режиссура, оператор иши, монтаж сифатли амалга оширилган. “Ислонхўжа” томошабинга ҳақиқий тарихий билим беради, айти пайтда эстетик завқ ҳам бағишлай олади. Уни ҳеч иккиланмасдан ўзбек киночилигининг жиддий ютуғи деб айтиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек миллий киномизда тарихий мавзулар асосида асарлар яратилар экан, тарих ўргатади, тарих огоҳ этади. Айти пайтда тарих бизга тўғри йўлни танлашда маслаҳат беради. Шу боис бугунги тезкор жараёнда ёшларимизни тўғри ва мақсадли тарбиялашда

тарихий манбалар асосидаги киноларга эҳтиёж ҳам каттадир. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда: миллат тарихини ёритиб берувчи “тарихий ҳужжат” сифатида кинода муҳрлаб қолдириш учун Ўзбекистон тарихи ва маданиятини жаҳон маданиятининг бир қисми сифатида муҳрлаб қолдириш учун янги асарларни яратиш давр талаби эканлигини чуқур англаш даври келди;

- Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида ҳуқуқий ва илмий асосга эга бўлган ягона концепцияни яратилишида ёрдам беради;

-бугунги маданиятлараро тўқнашувлар жараёнида ёшларимизнинг миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ўз “мени” ни топиш ва ҳаётда турли тўсиқларни енгиб ўтишларида тарихий фильмларнинг ўрни беқиёсдир, ваҳоланки, миллатнинг ўзлигини англаш, тарихни англашдан бошланади;

- тарихни унутишга изн бермайдиган қалб дорихонаси бўлмиш китоб, мутолаа маданиятини тараннум этувчи ҳужжатли фильмларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда, айнан китоб ўтмишдан дарак берувчи тарихий асослардан биридир. Шундай экан, китоб ва китоб кадрили оширувчи, ёшлар, қолаверса инсоният кўнглига жой топа оладиган шундай тарихий фильмлар яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тарихий аждодларимиз ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильмлар яратиш учун махсус ижодий гуруҳлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1.Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон. -2015. Б.113.

2.Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият. 2008.146 б.

3.Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга кураимиз. 2017.

4.Кино сценарии документальных фильмов снятых Маликом Каюмов. –Тошкент: Ғ. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

5.Мусаҷонов Ф. Хақимат Термизий. Ҳужжатли илмий-оммабоп бадиий фильм сценарийси. –Тошкент: 1998.

6.Абул-Касимова Х. Рождение узбекского кино. –Ташкент: Издательство “Наука”, 1965 с 6

7.Акбаров Ҳ. Адавиёт ва кино. –Ташкент: Фан, 1981

8.Абдухалол М. Давлатов О. Абдурасулов Ш. Ўзбек халқ санъатидаги трансформация жараёнларининг тарихий таҳлили (XIX-XXI аср бошлари). –Тошкент: 2017.

9.Bordwell, David. “Intensified continuity revisited.” David Bordwell’s Websiten on Cinema,22 July2010.

10.Kutter Callaway.” Syncopated Beats and the History of Sadness: TheAffective Fusion of Audience and Film through Music” Received: 19 January 2016; Accepted: 23 March 2016; Published: 25 March 2016 kuttercallaway@fuller.edu;

IJODKOR SHAXSLARNING MUSIQIY ISTE'DODINI NAMOYON BO'LISHI

Kurbanova N. R.

*O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti «Pedagogika va
psihologiya»*

kafedrası katta o'qituvchisi

Bo'riyeva K. A.

Kino televideniye va radio sa'nati fakulteti

Kasbiy ta'lim: cholg'u ijrochiligi 3-kurs talabasi

Barchamizga ayonki, kuy-cho'shiqqa, san'atga bo'lgan muhabbat bolalikdan boshlanib, oila sharoitida shakillanadi. "Uyda dutor, doira yoki boshqa cholg'u asbobi bo'lmagan, musiqaning hayotbaxsh ta'sirini o'z hayotida sezmasdan yashaydigan odamni bizning yurtimizda topish qiyin, desak, mubolag'a bo'lmaydi",-deb o'z fikrlarini bildirganlar Islom Abdug'anovich Karimov "Respublikada musiqiy ta'limni yaxshilash to'g'risid"gi farmonlarida.

Iste'dodli yoshlarni san'at sohasidagi xalqaro va respublika miqyosidagi ko'rik-tanlovlar, festivallar va boshqa turdagi anjumanlarda ishtirok etishlari, ularning chet ellarga ijodiy safarlarga chiqishlari, shuningdek, mamlakatimizda bunday tadbirlarning o'tkazilishini ta'minlash topshirilsin...

Jahonova Mohlaroyim ham anashunday iste'dodli yoshlar safiga kiradi.

Yakunlanayotgan yil ham mazkur ko'llej shuhratiga shuhrat, muvoffaqiyatlar salmog'iga yangi ziynatlar qo'shdi. Bu o'quv yurtidagi 2016-yilgi yutuqlari sahifasida nomi qayd etilganlardan biri dutorchi qiz Abdumajidova Nozimadir.

Mohlaroyim 2016-yil 1-4 iyun kunlari Rossiyaning Kazan Shahrida bo'lib o'tgan "Вальс Белых Ночей" Xalqaro ko'rik tanlovida muvoffaqiyatli ishtirok etib, faxrli birinchi o'rinni egallash bilan birga granpri sohibasi ham bo'ldi. Bu mukofot unga O'zbekiston davlat konservato'riyasi va O'zbekiston davlat san'at va madaniyat insitutlaridan birida o'qishni imtiyozli davom ettirish imkoniyatini berdi.

Mohlaroyimni aytishicha san'atga bo'lgan qiziqishini uning suyuqli buvijonisi uyg'otgan.

— Buvijinimning aytishlaricha: Yaratguchi zot insonni yaratayotganda ham nay sadolari ostida yaratgan ekan va shu orqali insonni qon-qoniga musiqa sadolari singib ketgan, — deydilar buvijonim. Men bu hikoyadan ta'sirlanib ketganman. Aynan dutor soziga bo'lgan qiziqishim ortdi. Buni chetdan kuzatib turgan buvim qo'limdan tutib Namangan shahridagi 29-sonli musiqa maktabiga olib bordilar. Men u yerdagi har xil musiqa sadolarini eshitdim va men ham tezroq o'rgansam edi tezroq dutorni qo'limga olsam edi deb dutorchilar sinfi tomon yugurib bordim. Buvijonim bilan xonaga kirdik. Bu yerdagi dutorlarni ko'rib ko'zlarim quvnardi. Musiqaga bo'lgan shijoat meni yanada kuchliroq qilardi.

Mohlaroyim 6-sinfda o'qir edi. Uning muallimlari maktablararo seminar o'tkazishga tayyorgarlik ko'rishayotgandi. Matematika fani bo'yicha oqituvchisi

Nazirov Holimboy Ochiq dars mashg'uloti jarayonida undan biror kuy chalib berishini so'radilar. Birinchi marta ko'pchilik oldida dutor bilan "Yallama yorim" kuyini ijro etdi. E'tibor, olqish, rag'bat shu qadar bo'ldiki, shundan so'ng u ko'pgina bolalar ijodiyoti festivalining respublika bosqichda, viloyat bosqichlarida qatnashdi. Musiqa maktabidagi, ko'llejdagi o'qituvchilari unga rahmat aytishardi.

Muhiddin Qoriyoqubov nomli Respublika ko'rik-tanlovidagi muvaffaqiyati uni o'ziga bo'lgan ishonch, kuch-quvvat, g'ayratini oshirdi. Ustozi Manzura Muhammedova bilan yangi-yangi maydonlar, katta sahnalar sari dadil kira boshladi. Ustozining ishonchi uni yangidan – yangi muvaffaqiyatlar sari ruhlantirardi.

Qaysi yo'nalishda bo'lmasin yilt etgan iste'dodning charaqlab yuzaga chiqishi, ko'ngillarga harorat baxsh etguday porlamog'i uchun o'quv yurti yoki ustozlarninggina mehnati kifoya emas[1]. Bu borada yoshlar assosiy quvvatni eng avvalo oiladagi muhitdan oladi. Mohlaroyim ham ilk rag'batni onajoni Muhayyo ayadan oldi. U yana bir qator tanlovlarda qatnashib faxrli o'rinlarni egalladi. Tengdoshlari unga havas bilan qarashib ular ham Mohlaroyim kabi iste'dodli dutorchi bo'lishga harakat qilishardi. 2016-yil Mohlaroyim O'zbekiston Davlat San'at va Madaniyat institutiga grant asosida qabul qilindi. Hozirgi kunda Zulfiya Mo'minova sinfida o'z bilimlarini mustahkamlab bormoqda. Mohlaroyimning aytishi bo'yicha dutorni chalar ekanman, men o'zligimni anglayman deydi, 2019-yil 26-may kuni u o'zining yakkaxon "Ko'ngil gul dastasi" deb nomlangan konsertini berdi, o'qituvchilar tomonidan rag'batlantirildi. U o'z oldiga juda ko'p maqsadlarni qo'yganini ularga yetishish uchun tinim bilmay harakatda ekanligini va Yurtboshimiz tomonidan yaratilgan yoshlar uchun ko'plab imkoniyatlarni qo'ldan boy bermasligini aytdi.

— Mening niyatim va orzuyim kelajakda ustozim Zulfiya Mo'minova kabi dutor ustasi bo'lib yetishish va xalqqa hizmat qilish. Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev 2017-yil 3-avgust kuni ziyolilar bilan bo'lib o'tgan majlislarida san'atga bo'lgan e'tiborlari va soha rivojida yangi davrni boshlab berdi. Anashu uchrashuvda milliy madaniyatimiz, adabiyotimiz va san'atimizni rivojlantirish bilan bog'liq dolzarb masalalar davlat oldida ko'rsatib berildi. Yosh iste'dod egalarining salohiyatini yuzaga chiqarish bo'yicha olib borilayotgan ishlarni izchil davom ettirish g'oyat muhim vazifalardan biri ekani alohida qayd etildi. Jumladan, ushbu yig'ilishda Prezidentimiz: "Bir haqiqatni esimizdan chqarmasligimiz kerak: mamlakatimizda madaniyat va san'at taraqqiy etmasa, jamiyat rivojlanmaydi. Xalqimizning rivojlanish darajasi avvalo milliy madaniyatimizga qarab baholanadi. Biz O'zbekistonning yangi qiyofasini yaratishga kirishgan ekanmiz, bunu avvalo milliy madaniyatimizni rivojlantirishimizdan boshlashimiz lozim" deya ta'kidladi. Muhtaram Yurtboshimizning bu so'zlari nafaqat Jahonova Mohlaroyim kabi iste'dodli va iqtidorli talaba yoshlarni, balki sana'tning turli javhalarida faoliyat olib borayotgan soha mutaxassislarining ham zimmasiga mas'uliyatli vazifalarni yuklaydi.

Адабиётлар рўйхати:

1. С.Бегматов. Бастакорлар ижоди. Т: 2017 й. 11-бет
2. Ҳ.Ҳомидий. Даҳолар давраси. Т: 2011 й. 14-бет
3. З.Орипов. Шарқ мусикий манбашунослиги. (X-XIасрлар). Т. 2008 й. 83 бет.

ЯНГИЛАНИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Рахимов Э.И

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Вокал” кафедраси доценти*

Юртимизда ислохотлар янгича ёндашув асосида давом эттирилмоқда. Тараққиётнинг ушбу босқичида, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш орқали халқимизнинг ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунига қатъий ишонч билан яшашига эришиш улуғвор мақсад қилиб белгиланган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқлангани айнан шу йўлда муҳим қадам бўлди. Ушбу дастурий ҳужжат кўплаб соҳаларда ўз ечимини кутаётган масалалар ва уларни ҳал этишга доир изчил чора-тадбирларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Зеро, давлатимиз раҳбари тақдирлаганидек, “Эришилган ютуқлар ўзимизники, унга махлиё бўлиб ўтириш бизга ярашмайди”[1]. Шу маънода Ватан равнақиға қаратилган эзгу ташаббус ҳамда ғоялар, қабул қилинган фармон ва қарорлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаяпти.

Маълумки, иқтисодиётда таҳлил ҳамда баҳолаш, кўрсаткичлар, индикаторлар, рентабеллик, фойда каби объектив мезонларга асосланади. Бироқ ижтимоий тармоқ, айниқса, таълим-тарбия ва маданиятда ислохотлар натижалари бирданига намоён бўлиб қолмайди. Яъни бунинг учун муайян вақт талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа дастлабки қонуности ҳужжатлари қабул қилинганига 20 йил бўлди. Бу юртимизда тўпланиб қолган муаммоларни холис баҳолаш учун етарли муддат. Айни сабабдан Президентимиз мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг Кенгайтирилган Мажлисидаги маърузасида таълим соҳасида кўплаб ўзгаришларни амалга ошириш, янги қарор ҳамда дастурлар қабул қилиш зарурати ҳақида куюнчаклик билан тўхталиб ўтган эди.

Бу борада амалий сай-ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилди. Жорий йилнинг 20 апрелида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор шулардан бири. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат дастурий аҳамиятга эга. У Республикамизда олий таълимни такомиллаштириш, халқаро андозаларга

янада яқинлаштириш, энг муҳими, бўлажак мутахассисларни юртимиз келажагига катта самара келтирадиган етук кадрлар қилиб тайёрлашни кўзда тутуди. Чунки университет ва институтлар жамият олдидаги вазибаларини тўлақонли адо этиши учун моддий-ўқув базаси бўйича ҳам, профессор-ўқитувчилар малакаси, маънавий-ахлоқий ҳамда ижодий муҳитига кўра ҳам юксак стандартларга жавоб бериши лозим. Бу талабларнинг барчаси юқоридаги қарорда ўз аксини топган. Хужжат ижроси юзасидан мамлакатимиз миқёсида ва ҳар бир олий ўқув юрти кесимида аниқ чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилгани эътирофга лойиқ. Хусусан, машғулотларга пухта тайёргарлик кўришга шароит яратиш мақсадида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламаларининг қисқартирилиши, илмий даража олиш учун оралиқ PhD диссертацияларини ҳимоя қилиш тартиби ўрнатилиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ҳамда материаллар жорий этилиши таълим сифатини шубҳасиз янада ошириш имконини беради. Қолаверса, мазкур жараёнда чет эл тажрибасини етарлича ўрганиш, хорижнинг илғор олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатиш фойдадан холи эмас. Яна бир эътиборли жиҳати, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш, замонавий хорижий адабиётларни сотиб олиш ҳамда таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам бойитиб бориш юзасидан чора-тадбирлар белгиланишидир.

Шундай экан, Президентимиз Қарори олий таълим тизимида янги истиқбол эшикларини очиши баробарида, унинг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари зиммасига ҳам катта маъсулият юклайди[2].

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. – 2017-2021 Ҳаракатлар стратегияси – Т. Ўзб. 2017
2. Мирзиёев Ш.М.- Танқидий таҳлил, Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т. Ўзб. 2017.

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БОРАСИДАГИ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Элов М.Р

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданияти институти
“Миллий қўшиқчилик” кафедраси мудири*

Муסיқа дарсларида ўқувчиларга муסיқа санъати, бастакорлик, композиторлик услублари, мусиқанинг ифодавий воситалари (мусиқа нутқи ва оҳанги) классик мусиқанинг моҳияти каби мусиқа санъатининг қонуниятлари ҳақида дастлабки тушунчалар берилади. Ёқимли овоз инсонга хос гўзаллик аломатидир. Кўз қандай эҳтиёт қилинса, овоз ҳам шундай эҳтиёт қилиниши ва парваришланиши лозим. Овозимизнинг соғлом,

жарангдор ва ёқимли бўлиши кўп жиҳатдан ўзимизга, муסיқа дарсларидан ўрганган назарияларга амал қилишимизга боғлиқ. Шунини унутмаслик керакки, шикасланган овозни даволаб, ўз аслига қайтариш мураккаб ишдир. Муסיқада замонавийлик нима? Бу саволни кўпчилиқ одатда ҳозирги кунда яратилаётган ва ижро этилаётган оммавий кўшиқ ва эстрада муסיқасига даҳлдор деб тушунади. Аслида эса “замонавийлик” тушунчасининг маъноси бундан ҳам кенгдир. Мазкур атамани икки маънога бўлиб қараш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси, қисқа маънода, замонавийлик тушунчаси ҳозирги кундаги муסיқани белгилайди, чунки уни бизнинг замондошлар яратмоқда[1]. Бунга оммавий эстрада муסיқалари, композиторлик, ҳозирги халқ муסיқа ижоди киради. Иккинчидан, кенг маънодаги замонавийлик нафақат бугунги давр муסיқаси, балки ўтмишда яратилган ва ўзининг юксак бадийий қиймати билан инсонларга ҳозир ҳам эстетик завқ бағишлаётган классик муסיқа намуналари кўзда тутилади[2]. Аммо ўтмишда яратилиб, ҳалигача мумтоз, классик деб юритилган муסיқа намуналари бугунги кунда ҳам инсониятни завқлантириб келмоқда.

Халқимизнинг маънавий ғурури ҳисобланган мақомлар бир неча асрлар аввал яратилган бўлса-да, бироқ ҳануз ўз гўзаллиги, жозибадорлиги билан замонавий тингловчиларни ҳайратга солади. Унда халқнинг юксак тафаккури ва руҳи, донишмандлигию орзу–истаклар, хуллас, бутун қалб кўри дилрабо ва латофатли, теран куй-наволар мужассам бўлган, десак янглишмаймиз. Замонавий (ўтмиш ва ҳозирги) муסיқани ўзининг ғоявий мазмуни ва бадийий ифодасига кўра шартли равишда жиддий ва енгил муסיқа турларига бўлиш мумкин. Айрим кишилар енгил муסיқа деганда оммавий куй-кўшиқ ҳамда эстрада муסיқасини, “жиддий муסיқа” деганда классик муסיқа, айниқса йирик жанрдаги асарларни тушунадилар[3]. Аслида эса мазкур икки атаманинг асл моҳияти ҳам халқ муסיқасида, ҳам композиторлар ижодида, ҳам

рок–эстрада муסיқаларида ўзига хос хусусиятларда намоён бўлиб туради. Муסיқадаги жиддийлик маъноси услуб, жанр тури ва унинг шакл–ҳажмидан қатъи назар муҳим ижтимоий мавзулар, масалан, чуқур фалсафий ғоялар, эрк ва бахт-саодат учун кураш, илк муҳаббат дарди, соғинч ва умуман чуқур инсоний ҳис-туйғуларда ифодаланади. Бошқача айтганда, бундай муסיқа кўнгилхушлиқдан кўра тингловчига чуқур ҳиссий таъсир ўтказди ва уни жиддий фикрлашга ундайди. Масалан, халқимизнинг севимли куйи “Тановор”ни олайлик У ўзининг нисбатан кичик шакл–ҳажмига қарамай тингловчида жиддий руҳий кайфият, маъюслиқ, қандайдир дардли соғинч, қайғу-алам туйғуларини вужудга келтиради. “Сегоҳ”, “Чўли Ироқ”, “Субҳидам”, “Жазоир” каби машҳур куйлар ҳам шундай кайфият туғдиради. Жиддий муסיқа тингловчига завқ, бадийий қониқиш ва гўзаллик бахш этади. Енгил мазмунли муסיқа маълум даражада шундай ҳис–туйғулар туғдириши мумкин. Лекин муҳим тамони, енгил муסיқа тингловчини жиддий мушоҳадага ундашдан кўра кўпроқ унда енгил кайфият туғдиришга,

кўнгилни хуш этишга, шодлик бахш этишга хизмат қилади. Айни вақтда энгил мусиқа ўзининг мазмун-моҳияти билан оғир мазмуний мусиқадан ажралиб туради. У айниқаса энгил лирика ҳазил–мутойиба ва ҳажвий мазмун билан ажралиб туради. Жумладан, «қилпилама», «Ойижон», «Воҳай бола», «Оҳ лайли» каби халқ кўшиқлари ҳажвий мазмуни билан кишида кўнгил завқ уйғотса, «Ил-ила ёр», «Олмача анор», «Ёр ёрлар» каби кўшиқлар эса шодлик завқ уйғотади. Бундай хусусиятни биз опера ва балетлар бадиий мазмунида ҳам кўрамиз.[4]

Масалан, “Майсаранинг иши” операси ўзининг бадиийлигига кўра хонвойи опера эканлигига ҳамда ундаги қатор ҳажвий ва завқли кўшиқлар мавжудлигига қарамай, кишини андуҳга соладиган (кўшиқ) ва асар қаҳрамони тақдирини билан ташвишга соладиган кўшиқ ва ариялар ҳам мавжуд.

Амалий машғулотларда ҳам замонавийликка эришмоқ лозим. Бунинг учун мусиқада бадиий образ ифодаси кўшиқларда ифода нутқи ва бадиий ифодаси кенг ўрин тутаяди. Масалан, “Қилпиллама” кўшиғини олайлик. Бу кўшиқ замонавий кўшиқлардан биридир. Даставвал кўшиқнинг мазмуни, тили, услуби ҳақида қисқача маълумот берилади. Кейин эса кўшиқ матни ўқувчиларга ёздирилиб ёд олинаяди. Дарсларни мусобақа тарзида, ўйин тарзида ҳам ташкил этса бўлади.

Дарсларда кўпроқ ноанъанавийликка эришилса, дарс самарадорлиги ошади. Кўпроқ амалий машғулотларимиздан ўринли фойдаланиб, замонавий мусиқа дарси ташкил эта олсак, ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялашга ўз хиссамизни кўшган бўлар эдик. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиёт йўлига чиқиб олишида, миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишида, баркамол инсонни тарбиялашда мусиқанинг роли каттадир. Бугун мустақил юртимизга ҳар томонлама етук, ҳар томонлама мукамал, эстетик руҳда тарбияланган ёшлар керак. Мустақил жамият кишини тарбиялаш мактаб олдига янги юксак талаблар қўймоқда.

Мусиқа дарслари давомида хор ижрочилигидан ташқари мусиқа тинглаш тарбияси ҳам энг муҳим формалардан ҳисобланади. Мусиқа адабиёти билан танишув ва мусиқа тинглаш мактабдаги мусиқа дарсининг бўлимларидан биридир. Мусиқа тинглаш ҳаётдаги ва айниқаса санъатдаги гўзалликни ўқувчиларда идрок этиш асосида эстетик хисларни тарбиялашда зўр аҳамиятга эга бўлиб, эстетик муҳокама, тушунча ва дид-завқ таркиб топтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўқувчилар асарларни оддий равишда тинглаб борганлари сайин, мусиқа асарларининг фазилатларини онгли равишда баҳолаш, асарлардаги айрим белгиларни аниқлаш, хилма-хил товушларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш, куйларни эслаб қолиш қобилиятига эга бўла бошлайдилар. Мусиқа адабиётининг дастур ҳажми катта, лекин дарс давомида уни ўрганиб бориш, ўқувчиларга тушунтиришга жуда оз вақт берилади, яъни 5-7 дақиқа

ажратилган бўлади. Шу сабабли бу бўлимни ва умуман тўлиқ дарсни олиб бориш усулини яхши эгаллаб бориш мусиқа ўқитувчисидан талаб қилинадиган асосий вазифалардан биридир. Дарс давомида мусиқа адабиётини ўқитиш усулидаги муҳим нарсалардан бири репертуар танлашдир.

